

Қайнонанинг СЕВИМЛИ ҚИЗИ

Ҳар бир қиз катта ҳаёт остонасида, мен, албатта, бахтли бўламан, турмуш ўртоғимнинг севимли ёри, қайнона-қайнотамнинг ардоқли қизи бўламан, деб ният қилади. Келинларнинг янги оилага мослашувида, оила аъзолари билан яхши муносабат ўрнатишида қайноналарнинг ўрни катта.

Қайноналарнинг ёш келинчакка меҳр кўрсатиб, камчиликларини тўғрилаб, чиройли насихат билан хатоларини кечиришлари улғу фазилатлардан. Зеро, Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 134-оятда бундай марҳамат қилган: **“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”.**

Ота уйида эмин-эркин, эрка бўлиб ўсган қиз янги оилада кўпроқ ширин сўз ва эътиборга муҳтож бўлади. Биз қайноналар бир умр хонадонимиз файзи бўлиб, хизматимизни қиладиган келинларимизни бағримизга босиб “болажоним” дейишга нега ийманамиз? Ахир қизларимиз келиб ҳар кун, ҳар доим келинимиздек хизматимизни қилолмайди-ку!

Қизлар келин бўлиб тушган уйида қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғидан меҳр кўрсин! Хонадонимизни саранжом-саришта қилиб, пишир-куйдир қиладиган келинларга ёрдамлашиб, кўмаклашиб юборсак, қийналганида қўлласак, қизнинг ўрнини келин ҳам боса олади. Онасини севгандек сизга меҳр қўйиб, сиз туфайли оиласини қадрлай бошлайди. Биз қайноналар иззатни жойига қўйсак, келинлар ҳам ҳурматимизни ўз ўрнига қўйишни ўрганади. Тарбия катталардан бошланади.

Маҳалламизда ибратли қайноналар кўп. Жумладан, маҳалламиз фаоли Меҳрихон ая фарзандларини гўзал тарбия қилиб, бир ҳовлида аҳил-иноқ етти келиннинг боши-


ни қовуштирган. Бирор маротаба қўшниларга келинларидан шикоят қилганларини эшитмаганмиз. Ажрим ёқасида турган ёш келин-куёвлар билан суҳбатга борганимизда қайноналарнинг гап-сўзларини эшитиб ҳайрон қоламиз. Ваъз-насихат эшитишга тоқат қилмай, қайсарлик билан нуқул келинини айблайди. Шу боис Меҳрихон ая: “Ажримларнинг кўпайишига оилалар бошлиқлари айбдор. Улар фаҳм-фаросат билан иш тутиб, ёшларни йўлга солишлари лозим”, деб кўп такрорлайди.

Азиз қайноналар! Ҳаётимизнинг давомчилари бўлган келинларимизни ўқитайлик, билмаганларини ўргатайлик. Зеро, улар ўз билими, салоҳияти билан зурриётларимизни тарбиялаб, вояга етказди. Чунки яхши амаллар аёл кишини зийнатлайди, янада гўзал ва назокатли қилади.

Шу билан бирга, келинлар ҳам қайнонанинг гапларига қулоқ солиб, улар билан хушмуомала бўлишлари талаб этилади.

Юртимизда аёл-қизларимиз фаровон ҳаёт учун курашнинг олдинги сафларида бўлиши, иқтисод, фан-маданият, тиббиёт ва бошқа барча жабҳаларда биринчилардан бўлишлари учун кенг шароитлар яратилмоқда. Биз қайноналар ҳам наслимиз давомчилари, айниқса, келинларимизни қўллаб-қувватлаб, бахтиёр яшаши учун фидойи оналар бўлайлик! Келинларимиз бизнинг суюкли қизларимиз бўлсин.

Роҳила ЖУМАЕВА,
Вобкент тумани “Хайробод”
маҳалласи отинийиси



ШУ ВАТАНГА БОРДИР КЕРАГИМ...



Ватанни севиш шу қадар улуғ туйғуки, уни ҳеч бир сўз ила ифодалаб бўлмайди. Дунёга донг таратган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Муин Насафий, Қафол Шоший каби буюк боболаримиз Ватанга кучли муҳаббатлари туфайли тахаллусларини киндик қонлари тўкилган юрт номига боғлаганлар.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳам асл фарзандлар бурчидир. Шундай улуғ туйғуни қадрлаб, юртнинг тинчлиги, осудалигини сақлаш йўлида хизмат қилиб келаётган фидойи қизларимиздан бири Камола Авазовадир. У транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланади. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан уни табриклаб, суҳбатга чорлаганимизда, ўз фикрларини қуйидагича ифода этди:

– Улуғларимиз Ватанга муҳаббат оиладан бошланади, деганлар. Ватанни ардоқлашни мен, аввало, оиладан ўрганганман. Болалигимдан эшитиб улғайган эртақлар қаҳрамонлари каби мард, жасур бўлишни орзу қилдим. Aukido, taekwondo каби спорт турлари билан шуғулландим ва Ўзбекистон биринчилигини қўлга киритдим. Ана шу ватанпарварлик туйғулари мени ички ишлар тизимида ишлаб, халқимиз осойишталигини сақлашдек шарафли ишга етаклади.

Ижодкорлар оиласида тарбия топганим учунми, шеърятни, адабиётни севаман. Ҳар гал постда сергак турар эканман, буюк мутафаккир Алихонтўра Соғунийнинг:

*– Эшит энди, Ватан ўғли, мендин насиҳат,
Қабул қилсанг, келур бошингга давлат.*

Ватан асли сенингдур Ўзбекистон,

Ўғиздин қолмиш эрди бу гулистон, – деган мисралари мени шижоат билан ишлашга ундайди.


Ўзбекистон – буюк инсонларга замин бўлган юрт. Уни севмаслик, ҳар қарич ерини кўзга тўтиё этмаслик мумкин эмас. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси шарифларида: **“Бир кун муробата (Ватанни ҳимоя) қилиш дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир”** (Имом Бухорий ривояти), деганлар. Имом Муҳаммад Ғазолий алайҳирраҳма эса: “Ватаннинг ҳам ҳақлари бўлади. Уларнинг биринчиси, Ватанда тинч-хотиржам, шукр қилиб яшашдир. Шунингдек, Ватандан кетганда уни соғиниш, Ватан камситилганда ғазабланиш, Ватанга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қилиш ҳам Ватаннинг ҳақларидандир. Жаннатмонанд Ватанда яшайпмизми, бунга шукр қилайлик, илм излабми, тижорат мақсадида, Ватандан сафар қилдикми, уни соғинайлик”, деган.

Улуғ аждодларимизнинг ҳикматли гапларини ўқиганимда Ватанимиз тинчлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётганимдан, шу Ватанга керакли эканимдан фахрланиб кетаман. Рост-да, киши дунёга келдими, у эл корига ярайдиган, юртим деб яшайдиган инсон бўлиши керак! Ватанини арзимаган дунё матоҳига алмаштириб кетадиган ватанфурушлардан ҳазар қиламан! Аллоҳ ҳаммиша юртимнинг, халқимнинг корига ярайдиган инсонлардан қилсин!

Юртимизнинг фидойи инсонларидан бирининг, яъни Камоланинг гапларини тинглаб эканман, “Шу Ватанга бордир керагим!” деб тўлқинланиб айтган сўзлари ҳар бир ватандошимиз онгу шуурини ёритиб юборишини истадим. Ва, албатта, шундай бўлишимиз керак ҳам!

Чарос ПАРДАЕВА ёзиб олди.

Мундарижа



Ўзингизга раво
кўрганни...

6




Жазоси
жуда оғир...

10



12
Отамга
мактуб




Эрингга
меҳрибонлик
қилдингми,
қизим?...

15



Асосийси – илмга
муҳаббат
уйғотиш...

18



Ғам-андуҳни
кетказишнинг
ийгирма етти йўли

24

Отинойи минбари

Қайнонанинг севимли қизи 1

Муқаддас бурч

Шу Ватанга бордир керагим... .. 2

Бир оятнинг маънолари

Мурсою мадора

ажрашишдан афзалдир.....4

Ёмонликдан қайтариш

Исроф кибрга,

кибр ҳалокатга бошлайди.....7

Саҳобиялар ибрати

Аёллар хатибаси..... 8

Эътиқод дурдоналари

Гуноҳкорни кофирга чиқарувчига

раддия боби14

Билимсизликнинг давоси

Қарғиш уриши ростми? 16

Иймондан айирмасин

Секталар издошларини

алдайдилар20

Гўзал башоратлар

Она соғлом – жамият соғлом22

Farzandingizga o'qib bering...

U zotning so'zlarini

yaxshi ko'raman..... 23

Дунё аёллари

Ирсият соҳаси олимаси..... 25

Ислом ҳимояси

Ғарбга тақлид – юртга таҳдид... 26

Ихлос

Она дуоси 27

Олий ўрнак

Чин муҳаббат итоатдадир.....28

Мутолаа


Ўгай она.....30

Ошхона одоблари

Овқат қачон шифо бўлади?32

Муросаю мадора ажрашишдан афзалдир

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
وَإِنِ امْرَأَةٌ خَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا
أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُحْضِرَتِ الْأَنْفُسُ الشُّحَّ وَإِنْ تُحْسِنُوا
وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا



Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Қайси бир хотин эридан (унга нисбатан) кўнгилсиз бўлиши ёки унинг воз кечишидан кўрқса, ўрталарини ислоҳ қилиб олишларида уларга гуноҳ йўқдир. Сулҳ (ажралишдан) яхшироқдир. Нафсларга бахиллик (қизғанчиқлик) битилган. Агар (хотинларингизга) яхшилик (чиройли муомала) қилсангиз ва тақволи бўлсангиз, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир (яъни ажрини берур)» (Нисо сураси, 128-оят).

Ойша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Ушбу ояти карима эри у билан узоқ яшашни истамайдиган, турли баҳоналар ахтариб, ундан ажрашмоқчи бўлаётган аёл ҳақида нозил бўлган” (Аҳмад ибн Воҳидий Найсобурий, “Асбоб ан-нузул”).

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг ривоят қилишича, ояти каримада аёл муросаю мадора йўлини танлаб, фарзанд туғиб бериш иштиёқида бўлса-да, аммо эри уни ёқтирмаса, шунда унга: “Мени талоқ қилманг, сиздан бошқа суянчим йўқ”, дейдиган нозик хилқат эгаларининг шаъни ҳимоя қилинган (Аҳмад ибн Воҳидий Найсобурий, “Асбоб ан-нузул”).

Ояти каримада келган “баъл” сўзи эр деган маънони англатади. Шу билан бирга, лалми ерга нисбатан ҳам мазкур сўз ишлатилади. “Нушуз” эса эрнинг хотинига жафо

қилиши, нафақа ва яшаш жойидан маҳрум этиши, меҳр-шафқат кўрсатмаслигидир. Айрим ҳолларда жеркиб бериши ёки уришини ҳам ифодалайди (Имом Замахшарий, “Кашшоф”).

Ояти каримадаги “шуҳҳа” сўзи бахиллик, қизғанчиқлик, хасислик каби маъноларни англатади. Демак, нафс қизғанчиқ қилиб яратилган. Шу боис у доимо ўзини ўйлайди. Аллоҳ таоло инсонга “нафс” деб аталувчи бир хислатни бериб қўйганки, у фақат роҳат-фароғат, шахсий манфаатни жалб қилади, бахиллик, ҳасад, кўролмаслик каби салбий сифатлар унда мужассам. Инсон бутун умр ўз нафси билан курашиб ўтади. Шу кураши сабабли ажру савоб ва улуғ мартабаларга эришади. Оятда нафснинг энг ашаддий жиҳатларидан бири бу – бахиллик бўлиб, у оилавий можароларнинг асосий сабаби қилиб кўрсатилмоқда. Мана шу бахилликни енгган одам оилада хотиржамликка, ҳаётда фаровонликка эришади.

Оила жамиятнинг ажралмас бўлаги бўлиб, қатъий қонун-қоидаларга асосланади. Наслнинг соғлом, солиҳ ва бардавом бўлиши, шу тариқа жамиятнинг таназзулга учрамаслиги учун Аллоҳ таоло уни Ўз ҳимоясига олган ҳамда унинг биринчи омили сифатида муросаю мадора қилишни белгилаб берган.





Ҳадиси шарифда: *“Мўмин (эр) одам мўмина (хотини)га ғазаб қилмасин. Агар у (аёл)нинг хулқидан бири ёқмаса, бошқаси хурсанд қилади”*, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Муҳаббат, раҳмат, меҳр-шафқат каби хислатлар оиланинг таянчидир. Бу борада ҳазрат Умар розийаллоху анхунинг хотинини ёқтирмагани учун талоқ қилмоқчи бўлган кишига айтган сўзлари жуда муҳим: “Ҳолингга вой! Оилангни муҳаббатдан бошқа нарсалар устига қурдингми? Риоя қани, уят қаерда қолди?”

Эътибор қилинса, ҳазрат Умар розийаллоху анху танбеҳидан оила қуришдан мақсад ҳавойи нафс эмас, балки солиҳ фарзанд – насл қолдириш, Аллоҳ амрига мувофиқ жуфт бўлиб яшаш экани маълум бўлмоқда.

Баъзи эркакларнинг арзимас нарса боис хотинини уриши ва куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиши кишини ташвишга солади. Арзимас айб топиб, фарзандларингиз онаси, кечалари ухламай бола катта қилган, саҳар туриб уйингизни супурган, кийимингизни тозалаб, сизга ширин таомлар тайёрлаб берган заифа аёлга ғазаб қиласизми? Албатта, аёл кишининг айби бўлиши мумкин. Хатолар такрорланмаслиги учун унга яраша шароит яратиб бериш эркак кишининг вазифаси эканини унутмаслик лозим.

Ҳадиси шарифда: *“Яхшиларингиз (аёлларни) ҳеч қачон урмайдиганингиз”*, дейилган (Имом Ибн Можа ривояти). Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мусулмонларни аёлини уришдан қатъий қайтарганлар. Бундан аён бўладикки, мусулмонлар орасида яхшилардан бўлишни истаган ҳар бир иймон эгаси танмаҳрамига нисбатан фақат мулойим, меҳрибон ва вафодор бўлишга интилиши лозим.

Нисо сурасида: **«...Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балки сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин»** (19-оят), деб амр қилинган.

Мухтасар айтганда, мўмин киши аёлини қадрлаши, у билан мурсою мадора қилиши, ҳикматларда айтилганидек, уйлангунча иккала кўзини катта очиши, уйлангандан кейин бир кўзини юмиши, яъни аёлининг хатоларини кечириб яшаши лозим. Шундагина оилалар мустаҳкам бўлади.

Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Ҳаловат ибодатдадир

Инсон ҳаётда доимо ҳаловат истади. Унинг учун ҳаловат эшиги баъзан очик бўлади. У ҳаловат эшигини топади ва хурсанд бўлади.

Ҳаловат эшиги баъзан ёпиқ бўлади. Инсон ҳарчанд қидирмасин, ҳаловат тополмайди. Чунки у ҳаловатни бошқа жойлардан, беҳуда амаллардан ахтарган бўлади.

Инсондаги бу ҳолат ҳақида Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деган: “Эй одамлар, ҳаловатни уч нарсдан изланглар! Ҳаловатнинг бири Қуръон ўқишда, бири намозда, бири эса, Аллоҳни зикр қилишдадир”.

Улуғлар ҳеч бир сўзни беҳуда, бежиз айтишмайди. Азиз замондошим! Ихлос билан ушбу солиҳ амалларда бардавом бўлинг! Сизга ҳаловат эшиклари очилиши аниқ.

Аллоҳ таоло барчамизга динда ҳам, дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам офият ато айласин...

Руҳиддин АКБАРОВ,
ЎМИнинг Қашқадарё
вилояти вакиллиги ходими





Ўзингизга раво кўрганни...

Розия момонинг оиласи билан борди-келдимиз бор эди. Момо ниҳоятда оқила ва ҳожатбарор эди. У боғлару поллизлардан олинган ҳосилни кўпчилик билан баҳам кўрарди. Меваю сабзавотнинг энг сарасини биринчи бўлиб серфарзанд оилаларга тарқатарди.

Момо тарвуз, қовун, қовоқларнинг яхшиларини ҳассаси билан кўрсатиб, кўшнининг ҳаққи эканини таъкидларди. Ҳосилнинг баракаси бир йилга татирди. Розия момо: “Ўзингга нимани раво кўрсанг, бошқаларга ҳам шуни илин”, деган сўзларни кўп такрорларди.

Орада биров вақт боролмай қолдим. Розия момонинг вафот этганини эшитдим. Йиллар ўтиб, яна шу хонадонга йўлим тушганида дилим оғриб қайтдим. Розия момо ҳаётлик даврида гуркираб турган мевали дарахтларга касаллик тегиб, боғдан файз кетган эди. Бунинг асл сабабини кейинроқ тушундим.

Момонинг икки ўғли бўлиб, у катта ўғли билан бирга яшарди. Қайнонасининг вафотидан кейин катта келин: “Нега энди меҳнатни биз қилиб, роҳатини бошқалар кўриши керак. Ўзимизнинг рўзгоримиз катта, ортганини сотамиз”, деб кўни-кўшниларга яроқсиз, қурт тушган меваларни чиқарадиган бўлибди.

Кейинчалик кўшничилик ҳақини ҳам унутибди. Кўп ўтмай, боғ тароватини йўқота бошлабди, мевалар майдалашиб, кўпига касаллик тушиб, дарахтлар қуриб кетибди. Поллиз экинлари эса парвариш етарли бўлса ҳам, қурт тушиб ичидан ириб кетаверибди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **«Эй иймон келтирганлар! Ўз қўл меҳнатингиз ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз! Ўзингиз фақат кўзингизни чирт юмибгина оладиган даражадаги ёмон нарсаларни (эҳсон қилишга) танламангиз! Шунингдек, билингизки, албатта, Аллоҳ ғаний ва мақтовга лойиқ Зотдир»** (Бақара сураси, 267-оят).

Раббимиз ҳар бир инсонга мол-дунё беради ва уни қандай йўлларга сарфлашини синаб кўради. Қўлидаги молу давлатини Аллоҳ таоло берганини иқрор қилиб, ундан мискин ва фақирларга ҳам насиба ажратган кишиларнинг молига барака беради ва уни янада зиёда қилади. Аксинча, давлатманд бўлатуриб, закот ва садақа бермаслик, фақир ва мискинларнинг ҳақини ажратмаслик шариатимизда бахиллик деб аталади ва у қаттиқ қораланади.

«Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жаннатга) эриша олмайсизлар. Ниманики эҳсон қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Менга қадрдон Розия момонинг ўғитларини, тутумини олмаган, хонадоннинг файзини кетказган келиннинг қилмишлари бахилликнинг бу дунёдаёқ ёмон оқибатларга олиб келишини эслатиб юборди.

Мунира АБУБАКИРОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
мутахассиси



Исроф кибрга, кибр ҳалокатга бошлайди

Аллоҳ таоло биз бандаларига берилган ҳамма нарсаларнинг ҳисоб-китоби борлиги ҳақида огоҳлантиради. Агар икки дунё саодатини истасак, умримизнинг ҳар бир куни ғаниматлигини англаб, жамият, оила ва фарзандларимизга наф келтиришга интилиб яшайлик!

Зотан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчилик ва фаҳрга ўтманглар”**, деганлар (*Имом Насоий ривояти*).

Бинобарин, кийиниш борасида мода ортидан қувиб, кўр-кўрона кийим-кечаклар сотиб олиш исрофгарчилик ва такаббурликка олиб боради. Айрим аёллар кундалик турмушида ғанимат вақтини манфаатсиз ишларга сарфлайдилар. Тўй-тантаналарга янги кўйлак сотиб олиш билан овора бўладилар. Янги машина, уй безаш, янги мебель олишни урф-одатга айлантириб юбормоқдалар. Улар кундан-кунга улғайиб бораётган, дунё ва ҳаёт ҳақидаги саволлари беҳисоб бўлган болалари билан гаплашишга ҳам вақт топмайдилар.

Тўй-маросимларда турли ҳолатларни кузатамиз: ота-онасининг қурби етмайдиган кийим-кечак, тўй кунига учтадан келинлибоси, буларнинг ҳар

бири фалон пул туради. Яна кимўзарга, қўшнимдан қолишмай деган баҳонада данғиллама тўйхоналарда тўй ўтказишга уринишлар. Бундай хонадонларда тўйдан кейин ота-оналар қарзни узиш ташвишида, оқибатда янги тушган келинга илиқ муомала қилишга кайфиятлари бўлмайд.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли, отинойилар билан биргаликда давра суҳбатлари ўтказиб, тўй-маросимларни ихчам ва камчиқим тарзда нишонлашни тушунтириб келмоқдамиз. Аёлнинг тежамкорлиги оила моддий аҳволининг яхшиланишига сабаб бўлади. Чунки оиланинг ички ҳаётини, аввало, аёл бошқаради. Эркак ишлаб топиб келганларини қадрлаб, бор нарсани ўрнида ва меъёрида ишлатиш рўзғорга барака киритади. Эркакнинг кўнглини кўтаради, оиласи, ўз ишига муҳаббатини оширади. Бор нарсани чиройли қилиб кўрсата билиш, саранжом-саришталик ҳам тежамкорлик билан боғлиқ. Тежамкор аёл ҳеч қачон, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Жумладан, исрофга барҳам бериш борасида отинойилар билан олиб борилаётган ишлар натижасида яқинда “Гулистон”

маҳалласида бир тўй олди-дан қуда томон вакиллари йиғилиб, маслаҳатлашиб олишди. Қуёв томон қудаларига мебель олмасликни тайинлади, рўзғор учун зарур буюмларни ўзлари тайёрлаб қўйишини айтди. Тўй жуда чиройли, миллий қадриятларимиз асосида ўтди.



Тўй-маросимларни динимиз таълимотига, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга суянган ҳолда ўтказсак, нур устига нур бўлади. Қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш гўзал ахлоқ ва яхши қўшничилик муносабатлари умрингизга умр қўшади. Зеро, инсон Исломи ахлоқи билан яшамаса, миллий қадриятларни ҳурмат қилмаса, ҳаловат топа олмайди.

Зарафшон МАТЧОНОВА,
*Хива шаҳридаги “Гулистон”
маҳалласи отинойиси*

Аёллар хатибаси

Асмо бинти Язид Авс қабиласининг Абдулҳошим ўғиллари хонадонида дунёга келди. У аёллар орасида Пайғамбаримиз алайҳиссаломга биринчилардан бўлиб иймон келтирганлардан эди. Асмо Муоз ибн Жабал розийаллоху анхунинг холасининг қизидир. Ушбу оқила аёл “Байъатур Ризвон”да Пайғамбаримиз алайҳиссаломга байъат қилди.

Ҳады беришни яхши кўрган Асмо Расулulloҳ алайҳиссаломга тез-тез егулик ва ичимликлар жўнатиб турарди. Вақти-вақти билан Хужраи саодатга келиб, муҳтарама оналаримиз билан суҳбатлашарди. Асмо розийаллоху анҳо илмга бўлган чанқоқлиги ва равон нутқи билан бошқа саҳобиялардан ажралиб турарди. Шу сабаб саҳобия аёллар жамоаси аёлларга хос масалаларни Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан мунтазам ўрганиб туриш учун ораларидан вакил қилиб уни танлашди.

Бир сафар Асмо саҳобалар билан бирга ўтирган Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдиларига келиб бундай деди: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулulloҳ! Мен сизга аёллар жамоасидан вакил бўлиб келдим. Аллоҳ сизни эркак ва аёллар учун Пайғамбар қилиб юборган. Биз сизга ва сизнинг Раббингизга иймон келтирдик. Аёл бўлганимиз учун уйларимизга қамалиб, эркакларнинг кўнгилларини оламиз, фарзандларини қоринларимизда кўтарамиз. Эркаклар эса жума намозини ўқиш, масжидга ва жамоат намозларига чиқиш, касалларни зиёрат қилиш, жаноза-



ларда қатнашиш, бир мартадан ортиқ ҳажга бориш каби имкониятлари билан (са-вобга эришишда) биздан кўра устундир. Аммо улар ҳаж ёки умра ё душманга қарши отланганларида молларини биз кўриқлаймиз, ип йигириб, уларга кийим тикамиз, фарзандларини тарбиялаймиз. Бу каби ишларимиз билан биз ҳам уларнинг савобларига шерик эмасмизми?”

Асмо розийаллоху анҳонинг сўзини охиригача эшитган Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларга: **“Бир хотиндан диний мавзуда сўраладиган нарсаларда бундан ҳам чиройлироқ бирон савол эшитганмисиз?”** дея ундаги жасорат ва равон нутқини мадҳ этдилар. Сўнгра интиқлик билан Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан жавоб кутаётган Асмо розийаллоху анҳога қараб: **“Эй хотин, ях-**



шилаб тушун ва сени бу ерга жўнатган аёлларга ҳам чиройли англатгинки, бир аёлнинг эри билан гўзал турмуш қуриб, унга хурсандчилик бахш этишидаги ажр унинг турмуш ўртоғи эришадиган савоб билан тенгдир”, дедилар (Ибн Асир, 7/19).

Ушбу суҳбатдан сўнг Асмо розийаллоху анҳога “Аёллар хатибаси” деган унвон берилди.

Саҳобия аёллар ҳам Қуръон ўрганиш ва ҳадис тинглашда эркаклар каби Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шахсан ўзларидан таълим олишни исташарди. Асмо розийаллоху анҳо аёлларнинг бундай истаги борлигини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга етказди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу таклифга рози бўлиб, аёллар учун махсус бир кунини ажратдилар. Яна аёллар фарз намозларда Масжиди Набавийга чиқиб, у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишарди. Ҳатто Асмо бинти Язид розийаллоху анҳо уйда ҳазрат Ойша розийаллоху анҳо бор пайтлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, хотинларга тааллуқли бўлган нодир саволларни сўраб кетарди. Мадина аёлларининг динни ўрганишдаги бу қадар жидду жаҳдларини кўрган ҳазрат Ойша розийаллоху анҳо: “Ансория аёллар қандай ҳам яхшидир! Андиша уларнинг дин ҳукмларини сўраб ўрганишларига асло тўсқинлик қилмади”, деган (Имом Муслим. *Ҳайз боби*, 61-бет).

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга савол сўрашдан тортинган баъзи аёллар ҳам бир бошқа одам орқали сўраттириб бўлса-да, диний масалаларни ўрганишда давом этди (Имом Муслим. *Ҳайз боби*, 17-бет).

Асмо розийаллоху анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан 80 та ҳадис ривоят қилган бўлиб, ундан 55 таси Имом Аҳмаднинг “Муснад”и (6/452–461) ва “Кутуби ситта”-

сида келган. Масалан, “**Ким Аллоҳ розилиги йўлида бир масъуд курса, Аллоҳ таоло у кишига жаннатда бир уй бино қилади**” (Имом Аҳмад, “Муснад”, 7/461-бет); «Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “**Сизларга инсонларнинг энг хайрлисининг хабарини берайинми?**” дедилар. Саҳобалар: “Қандай яхши бўларди, ё Расулуллоҳ”, дейишди. У зот алайҳиссалом: “**Аллоҳ таолони мунтазам зикр қилганларингиздир**”, дедилар. Сўнгра: “**Сизларнинг энг ёмонларингиз ким бўлишини айтайми?**” дея сўзларида давом этиб: “**Улар Аллоҳ таоло учун бир-бирини яхши кўрадиган дўстларнинг орасини бузганлар, миш-мишларни келтириб, чақимчилик қиладиганлардир!**” дея огоҳ этдилар» (Имом Аҳмад. “Муснад”, 6/459) каби машхур ҳадисларни Асмо бинти Язид розийаллоху анҳо ривоят қилган.

Саҳобия аёл бир неча ғазотларда қатнашган. Жумладан, Ярмук жангида чодирни тик тутиб турадиган устун-таёқ билан тўққиз нафар Рум аскарини ўлдиргани ривоят қилинган. Шунингдек, саҳобия Хайбар жанги ва Макка фатҳида ҳам фаол қатнашган. Умрининг охириги йиллари Дамашқда яшаган ва ўша ерда вафот этган.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг асҳоблари гўзал одоб ва ҳаё ила биз ғариб умматларга йўлчи юлдуз каби ҳар ишда намунадир. Саҳобия аёлларнинг гўзал ҳаё ва ибоси билан бир қаторда дин ҳукмларини ўрганишга бўлган журъат ва матонати таҳсинга сазовордир. Баъзан оиланинг ички масалаларида ҳам эр-хотин бирга келиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга савол беришарди. Шу эътибордан, аёллар ҳам диний масалаларда билмаганларини тортинмасдан сўраб ўрганиши афзал йўлдир.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ
тайёрлади.

Жазоси жуда офир...



Сўнгги йилларда жаҳоннинг барча мамлакатларида 14–34 ёшли ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ортиб борапти. Статистик маълумотларга кўра, кунига 3 минг киши, ҳар йили эса 1 млн.дан ортиқ инсон ўзини ўлдиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилларига кўра, Лотин Америкаси, Араб ва Осиё мамлакатларида суицид кўрсаткичлари нисбатан паст даражада. Ўрта даражага Шимолий Европа, Шимолий Америка, Жануби-шарқий Осиё ва Тинч океанининг ғарбий қисмидаги мамлакатлар киради. Суицид кўрсаткичи Шарқий Европа мамлакатларида юқори. Шу нуқтаи назардан, ривожланган Европа давлатларида мазкур муаммо ўта долзарб ҳисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўз жонига қасд қилиш бирданига рўй бермайди. Ўзини ўлдирган ўсмирларнинг 90 фоизи қайсидир даражада руҳият муаммосига учраганлардир.

Хусусан, бу иллат юртимиз ёшларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Яқинда ижтимоий тармоқда 12 ёшли ўқувчи қиз ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабар тарқалди. Илгарироқ эса, 17 ёшли қиз ҳам шундай қилган эди. Бу қарорга келгунича у қизларнинг қалбида нималар ўтгани ўзларига аён. Негадир аксар суицид ҳолатлари балоғат остонасидаги ёшларда учрамоқда. Келинг, буларнинг сабабларини ўрганиб кўрамиз:

Сеҳр-жоду. Афсуски, бугун шариатимиз қатъий ман этган сеҳр-жоду билан шуғулланаётган кимсалар кўпайиб борапти. Сеҳр бор нарса. Бақара сурасининг 102-оятда Аллоҳ таоло Бобил шаҳрига Ҳорут ва Морут номли икки фариштани синов тариқасида туширгани, улар: **«Биз фақатгина синов (воситаси) миз, (бизга ишониб) кофир бўлиб қолма!»** деб огоҳлантиргани баён этилади.

Шариат ман этган ҳар бир нарсанинг замирида улкан ҳикмат мужассам экани бугун яна ҳам яққолроқ намоён бўлмоқда. Биргина мисол, Ислом таълимотида беҳуда суратга тушавериш дуруст эмаслиги айтилади. Бугун аксарият сеҳргарлар одамларнинг суратига қараб, уларни жоду қилишмоқда. Шундай экан, беҳуда суратга тушиб, тарқатавермаслик зарур.

Бузғунчилар таъсирига тушиб қолиш. Муқаддас динимизга ёт ғоялар тарғиботчилари ёшларни сеҳр-жоду орқали ўз сафларига кўшишмоқда. Бу жараёнда уларга ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қўяётган суратлари қўл келаётганини ҳеч ким инкор этмайди. Шу боис суратларни ижтимоий тармоқларга беҳуда қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Фарзанднинг қаровсиз қолиши. Ота ёки она ёхуд иккисининг ҳам йўқлиги бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Айни балоғат ёши қиз боланинг ўта нозик даври бўлиб, ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан ўзгаришлар бўлади. Индивидуал феъл-атвор шаклланади. Кайфияти тез-тез ўзгариб, қайсар, ўжар, тажанг бўлиб қолади. Бу даврда қиз бола онасининг қўллаб-қувватлаши, эътибори ва маслаҳатига муҳтож бўлади. Қизларга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлиш ҳақида Расулуллоҳнинг кўрсатмалари ҳам бор. Оналар донолик билан қизларига сирдош бўлиб, ёрдам беришлари зарур.

Руҳиятдаги ўзгаришлар. Қиз болалар ҳиссиётга берилувчан бўлгани учун улар кўп тушкунликка (депрессия) тушадилар. Бунинг асосий сабаби, бекорчилик, бемақсад яшаш, организмда гормонлар, моддалар алмашинувидир. Шу даврда онадан сезгирлик талаб қилинади. Олимлар банда мусибат, синовларга дуч келганда ҳадисларда айтил-



ган **“Йа Ҳалийму йа Алийм, йа Алийю йа Азийм”** дуосини ўқиб, сўнг Раббимиздан астойдил ва чин ихлос билан ҳожатларини сўраса, иншоаллоҳ, У Зотнинг изни билан мушқули осон бўлади, дейишган.

Ота-она ўз фарзандини эшитмаслиги, у билан самимий суҳбатдош бўлмаслиги ёмон. Турли ижтимоий қатламлардан чиққан боланинг тенгдошлари олдида ўқиб қолишининг сабаби, оилавий низо ва босимлар, кўпол муносабат ҳамда беписанд муомала, пировардида номукамалликни ҳис этиб, шу каби туйғуларни енгиб ўтолмаслик, муаммолар олдида ожиз қолишдир. Асосийси, масалани ташқаридан ҳал этишга киришилмасдан, ичкаридан туриб асл моҳиятига кирилмаса, ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари кўпайиб бораверади.

Диний тушунчаларнинг камлиги. Ўз жонига қасд қилганлар Аллоҳнинг тақдирдан норози, Унинг чексиз илоҳий неъматларига ношукрлик қиладиган, синовларга сабр қилолмайдиган кимсалардир. Қуръони каримда: **“Эй иймон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир”**, дейилади (*Нисо сураси, 29-оят*). Оятдаги “ўзларингизни ўлдирмангиз!” жумласи бир неча хил тафсир қилинган: “Бир-бирингизни ўлдиршингиз ўзингизни ўлдирганингиз билан баробардир. Зеро, ҳаммангиз бир динга мансуб кишиларсиз”.

“Ўз жонингизга ўзингиз қасд қилмангиз”. Яъни, ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш тақиқланмоқда.

Имом Муслим, Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган саҳиҳ ҳадисларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз жонига қасд қилиб ўлган кимса қиёматга қадар ўзини ўзи ана шу азоб билан азоблаб ётишидан қаттиқ огоҳлантирганлар.

Ўткинчи ҳою ҳавас. Балоғат ёшидаги қизларимиз соф ва ишонувчан қалби билан ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверадилар. Ўткинчи, алдамчи ҳис-туйғуларни муҳаббат

деб ўйлайдилар. Баъзи қизларимиз соддалиги оқибатида ижтимоий тармоқлардаги ахлоқсиз видеороликлар, бемаъни сериалларнинг беҳаё, енгилтак қаҳрамонларига тақлид қиладилар. Динимизда севги ва муҳаббат ҳаром ҳисобланмайди. Аммо икки жинс орасидаги ҳаром алоқалар, шаҳвоният ортидан кўрларча эргашиш эмасдир. Буни шариат ҳаром қилган. Икки жинс ўртасидаги алоқа ва муҳаббатнинг ҳалол ечими – никоҳдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Бир-бирини яхши кўрган (йигит ва қиз) иккиси учун (орадаги муҳаббатни зиёда қилишда) никоҳга тенг келадиган (бошқа нарса)ни топа олмайсиз”** (*Имом Ибн Можа ва Имом Ҳоким ривояти*).

Ўз жонига қасд қилган кишига жаноза ўқиладими? Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, ўз жонига қасд қилиш гуноҳи кабира ҳисобланади. Катта гуноҳ қилган киши иймондан чиқмайди, шу эътибордан ўз жонига қасд қилган киши кофир эмас, балки фосиқ бўлади. Фосиқ кишига жаноза ўқилади. Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад раҳимахумаллоҳ ўз жонига қасд қилган кишига жаноза ўқилади, деган.

Ибн Обидин “Ҳошиятун раддул муҳтор” асарида: “Ўзини қасддан ўлдирган киши ювилиб, унга жаноза ўқилади. Фатво шунгадир», деган. “Фатавои Қозихон” да, бошқа одамни ўлдирган кишидан кўра, ўз жонига қасд қилган кишининг гуноҳи каттароқдир, дейилган.

Одамлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида имом-хатиблар ўзини ўлдирган кишининг жанозасини ўқишмайди. Имом ноиблари ўқишлари мумкин.

Биз оналар фарзандларимиз тарбиясига масъул эканмиз, уларни беътибор қолдирмаслигимиз лозим. Мактабдаги ҳолатидан хабардор бўлиб туриш керак, икки томонлама тарбия ишлари ҳамжиҳатликда олиб борилиши зарур. Кимлар билан дугона бўлаётгани, телевизорда нималар кўраётгани, телефонда кимлар билан гаплашаётганини назорат қилишимиз зарур.

Ёшларимизнинг таълим-тарбиясига янада жиддий ёндашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Робияхон ТОҲИРОВА

Отамга мактуб

Одатда, қизлар тарбияси алоҳида эътибор талаб қилади. Бунда она – тарбиячи, ота эса ҳимоячи бўлади. Ота қизига асло қаттиқ гапирмайди. Ҳатто халқимизда отаси юзига урган қизнинг бахтсиз бўлиши ҳақида нақллар мавжуд. Шу сабабми, қизлар ва оталар ўртасида сирли парда бўлиб, унда ҳеч бир халқниқига ўхшамайдиган ўзбекона удумлар, тушунчалар акс этади. Ана шундай муҳитда тарбия топган қиз отасига тик боқмайди, унга ўй-фикрларини очиқ-ойдин айтмайди. Бундай қизлар учун она воситачи ҳисобланади. Шу каби тарбия топган қизлар миллий адабиётимизда ҳам тараннум этилган. Жумладан, ўтган асрнинг биринчи ярмида яратилган Кумуш, Раъно образини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўлимга тушиб қолган бир мактубда ҳам худди ўшалардек чинакам ўзбек қизининг кечинмаларига гувоҳ бўлдим.

«Ассалому алайкум, дадажон! Умрингиз узун, соғ-омон бўлишингизни тилайман. Пушти паноҳим, бизга меҳр тўла кўзингиз билан боқиб: “Қизларим, мен сизларни яхши кўраман”, деган сўзингизга: “Биз ҳам, дадажон”, дея жавоб берардик. Аслида сизнинг дарё қадар меҳрингизни ҳис этмаслик, бугун олисда бўлсам-да, мени нечоғлик соғинаётганингизни англамаслик мумкин эмас. Назаримда, биз қизларингиз ва сиз ўртангизда кўринмас нимадир борки, унга дуч келганингизда бутунлай бошқа одамга

айланиб қоласиз. Ўз-ўзидан тилингиз мулоимлашиб, юзингиздан кулги шуғлалари порлайди. Сиз билан телефонда гаплашарканман, кўз ёшим бўғзимга тиқилади. Сизни жуда ҳам соғинганимни ҳис этаман. Ота учун қиз бола мисоли “жони”. Унинг ишончли қўлларда экани, бахтиёрлиги қалб хотиржамлигига сабаб бўлади. Шукрки, мен сизнинг қалбингизга ана шундай хотиржамликни ҳадя эта оладиган инсон билан тақдиримни боғладим.

Дадажон, назаримда сиз ёшариб бораётганга ўхшайсиз. Мен эса худди аввалгидек кичкина қизалоқ бўлиб, митти қўлларим билан қўлингизни тутмоқдаман. Айтишларича, қиз бола кўпроқ отага яқин бўлади, ота қизининг қиёфасида волидаи муҳтарамасини кўради. Шу сабаб бўлса керак, унга ўзгача меҳр-муҳаббат билан қарайди. Мен ва менинг ортимдан сингилларим ҳам сизнинг бағрингиздан хайрлашиб, ўзга маконларга йўл олишмоқда. Аммо ҳаммамизнинг ҳам асло унутмайдиган, соғиниб борадиган, бизни кўпроқ ва қаттиқроқ қадрлайдиган манзилимиз – ота уйимиз бор.

Меҳрибон оталар каби орзумиз йўлида бизга барча имкониятларни яратдингиз, аввало ўқитиб, олий маълумотли қилмоқдасиз. Оталар борки, “Қизим ўқиб нима бўларди? Бўйи етса, узатиб юборамиз-да. Ўқиб бизга нимадир берармиди?!” деган фикрда қизларининг ҳамма орзуларини саробга айлантиришади. Балки биз ҳам



Ўқиб, ҳали сизга тузукроқ ҳада беролма-гандирмиз. Шунини ўйласам, ҳеч нарсани миннат қилмай, меҳр-муҳаббат бера олган инсон сифатида сиз том маънода қаҳрамонсиз. Биз уч қизмиз, баъзи оталар бир қизни ҳам кўп кўради. Ўғил болага насл давомчиси деб кўпроқ эътибор қаратишади. Аммо сиз: “Менинг тилла қизларим!” деб эркалайсиз. Ҳали бирон марта норози бўлганингизни кўрмадик. Агарда дунёдаги ҳамма оталар сиз каби меҳр бера олишса эди, қиз бола учун энг азиз ва мукааррам инсонга айланар эдилар.

Дадажон, сизга энг ширин хотираларимни айта олганимдан шу қадар бахтиёрманки, худди қарзимнинг денгиздан томчи қадарини уза олгандайман. Яқин кунларда ота уйимга бормоқчиман. Қадрдонларимни йўқлаб, сиз билан мириқиб суҳбатлашмоқчиман. Кечагина телефонда: “Қизларим, сизларни жуда соғиндим”, деган сўзингиз менинг бир соғинчимни ўн қадар оширди. Умрингиз узун, тану жонингиз соғ бўлишини тилаб, тез орада дийдорлашгунча, дея қизингиз...»

Пойдевори мустаҳкам бўлмаган, устунлари заиф бўлган кўрғон борки, кун келиб қулаши тайин. Оила ҳам бир кўрғон. Унда ота ва она биргаликда меҳр ва муҳаббатга тўла уй қуради. Дунёдаги оталар ҳам моҳир уста каби ишини охирига етказиши лозим. Оталар шундай меъморки, уларнинг фарзандларига берган тарбияси иморатга солаётган нақшлари кабидир. Нақшлар қанчалар кунт билан қилинса, шунча жилоланади. Фарзандларининг ютуқларига оталар меҳнати сабабдир. Отасидан фахрланган ҳар бир фарзанд энг яхши тилакларини ширин сўзлари билан тилда, эзгу ишлари билан амалда намоёиш этиши лозим. Зеро, оталар бизнинг тоғларимиздир.

Камола АБДУМАЛИК қизи

Шукри йўқнинг қадри йўқ

* * *

Моли билан кеккайган камбағаллашар.

* * *

Кўл югуриги ошга,
Тил югуриги бошга.

* * *

Эчкида эт бўлмас,
Ёмонда бет бўлмас.

* * *

Бекорчининг бети йўқ,
Қозон осар эти йўқ.

* * *

Беташвиш бош қайда,
Меҳнатсиз ош қайда.

* * *

Дангасанинг иши битмас,
Ёз келса ҳам, қиши битмас.

* * *

Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.

* * *

Доно — бир жойда,
Дангаса — ҳар жойда.

* * *

Иш кучини елга берма, ерга бер,
Жамғармани селга берма, элга бер.

* * *

Ишнинг кўзини бил,
Эрнинг — тилини.

* * *

Аёлнинг сариштаси —
Рўзғорнинг фариштаси.

* * *

Олис йўл отни синар,
Оғир кун – хотинни.

* * *

Рўзғор зийнати – ўтин,
Уйнинг зийнати – хотин.

* * *

Яхши хотин арпа унни кабоб қилар,
Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар.

* * *

Эри суймаганни эли суймас.

Наманганлик Хосият онадан
ёзиб олинди.

ИМОМИ АЪЗАМ
АБУ ҲАНИФА НЎЪМОН ИБН СОБИТ

Гуноҳкорни кофирга чиқарувчига раддия боби

“Ал-фиқҳ ал-абсат” асаридан

(Бошланиши ўтган сонларда.)

Савол:

– Бир одам бирор гуноҳни қилган банда кофирдир, деса, унга қарши қандай далил бор?

Жавоб:

– Унга бу ояти карималар қарши далил бўлади: «Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматлар ичра: “Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилган (пайтини эсланг!)» (Анбиё сураси, 87-оят);

«...Эй ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўранг. Албатта, бизлар хато қилувчилардан бўлган эканмиз» (Юсуф сураси, 97-оят), деганлари айтилган.

Бу оятлардан билиниб турибдики, Юсуф алайҳиссаломнинг инилари гуноҳкор эдилар, кофир эмасдилар. Юнус алайҳиссалом ўзларига зулм қилган эдилар, кофир эмас эдилар.

Мусулмон кишини кофирга чиқариш ўта хатарлидир. Шу боис динимиз бундай ишдан қаттиқ қайтарган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Бирор киши ўз биродарига: “Эй кофир” деса, бу сўз иккаласидан бирига тегишли бўлади**», дедилар (яъни, агар кофирликда айбловчи ҳақ бўлса, айбланувчи кофирлигича қолади. Башарти ҳақ бўлмаса, у ҳолда ўзи кофир бўлади) (Имом Бухорий ривояти).

Имом Мотуридий раҳимаҳуллоҳнинг “Тавҳид” асари VI жузида ушбу масала ба-

тафсил баён этилган. Жумладан, у зот бундай ёзади:

«Гуноҳ қилган кишидан “куфр” ва “ширк” деган номларни тўсадиган бир неча далиллар бор. Биринчидан, Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига мўмин ва мўмина аёллар учун истиғфор айтишни буюрди. Зеро, Аллоҳ таоло ширк ва куфр каби ҳолатлар бўлатуриб, истиғфорга амр қилиши мумкин эмас. Ояти каримада: “**Набийга ва мўминларга мушрикларнинг дўзах эгалари экани аён бўлганидан кейин улар учун мағфират сўрашлари дуруст эмасдир**” (Тавба сураси, 113-оят), деган».

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло юқоридаги оятда ширк аҳли учун истиғфор сўрашдан, қуйидаги оятларда эса, мунофиқлар учун истиғфор айтишдан қайтарган: «**Ортда қолган аъробийлар сенга: “Молимиз ва аҳлимиз бизни машғул қилди, биз учун мағфират сўра, дейишар”**» (Фатҳ сураси, 11-оят); “**Улар учун мағфират сўрайсанми ёки улар учун мағфират сўрамайсанми – барибир**” (Мунофиқун сураси, 6-оят).

Бундан ташқари, кичик гуноҳлар қилиш инсонни диндан чиқаради деб ҳисоблайдиган хорижийларнинг эътиқоди ҳам пайғамбарлар ва солиҳлар бошидан ўтган синовлар билан рад этилади. Диндан чиқарувчи нарсалар пайғамбарлик ва валийликни кетказди. Ким пайғамбарларга шу тарзда иймон келтирса, аслида у пайғамбарларга кофирдир. Бу (хорижий)лар гуноҳларни шу қадар улуғладиларки, одамларни кофирликда айблай бошладилар. Бунинг ўзи энг катта гуноҳлардан биридир. Бу Аллоҳ таолонинг ҳукмларида белгилаб қўйилган чегараларни бузган ва Аллоҳнинг динида ҳаддан ошган кимсаларнинг сифатидир.



Бунда мўътазилийларнинг эътиқодига ҳам раддия бўлиб, Аллоҳ таоло пайғамбарларни Ўзига дуо ва тазарру қилишлари, қўрқув, умидда бўлишлари ва қилган камчиликлари учун йиғлаганлари, У Зотга ёлворилари билан сифатлади. Ҳатто уларнинг дуолари ижобат қилинди. Агар уларнинг хатолари учун жазоланиш эҳтимоли ҳикматга кўра бўлмаса ёки уларда бундан жазо хавфи бўлса, бунда ҳаддидан ошиш, (Яратганни) зулм билан сифатлаш юзага келиб қоларди. Бу эса гуноҳдан ҳам ёмонроқдир. Бу мўътазилийларнинг кичик гуноҳлар (ўз-ўзидан) мағфират қилинади ва уларга бериладиган жазо ҳикматга зиддир деган фикрларини, шунингдек, буни куфр деб ҳисоблайдиган хорижийларнинг фикрларини ҳам рад этади».

Ҳанафий уламолардан Ибн Нужайм: “Агар кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизини кўйиб, ўша бир далилни олиш керак”, дейди.

Савол:

– “Аллоҳ таоло ўзи қаерда?” деб сўралса, нима деб жавоб берамиз?

Жавоб:

– Ундай савол берган кишига «Аллоҳ таоло бор эди, макон йўқ эди, Аллоҳ таоло оламларни яратмасдан олдин бор Зот, “Қаерда?” ва “Қандай?” деган сўзлар йўқ эди, У ҳамма нарсанинг яратувчисидир», деб жавоб берилади.

(Давоми келгуси сонда.)

Эрингга меҳрибонлик қилдингми, қизим?..

Бахтсизман деб нолима, қизим. Бахтнинг ичида турибсан.

Ота-онанг борлиги – бахт. Уларнинг сенинг ҳаққингга дуо қилишлари минглаб хазинадан афзал.

Турмуш ўртоғинг ёнингда, ўғил-қизларинг бағрингда экани ва уларнинг шодон ўйнаб-кулиб, соғу саломат юришлари чексиз бахт, агар билсанг! Қара, тирноққа зорлар қанча?! Нолийсан, нимангга етмаяпти?

Турмуш ўртоғингни яхши пул топмайди деб ўйлаганингдан унга яхши муомала қилгинг келмайди.

Димоғинг баланд, кўп нарсани хоҳлайсан, сабринг йўқ, фалончиларга ўхшаб бой-бадавлат эмасмиз, уйимиз оддий, дейсан.

Арзимаган нарсани баҳона қилиб, турмуш ўртоғинг билан жанжал бошлайсан. Лекин нолима, қизим. Уйи йўқлар қанча, ҳали оиласи йўқ, бир уйнинг бекаси бўлишни орзу қилганлар бор. Шукр қил, кўзинг шу гўзал дунёни кўриб тургани учун ҳамд айт, болам. Кўёшни, Ойни, шу гўзал оламни, гуллар рангини ҳатто тушларида ҳам кўролмаган кўзи ожизлар қанча.

Нолима, қизим! Ўйлаб кўр, ўзинг оила учун нима қилдинг? Эринг қийналиб топган пулини жой-жойига кўйиб, тежаб-тергаб ишлатдингми?

Эрингнинг муомаласидан норози бўласан. Лекин ўзинг кўчадан чарчаб келганида табассум билан қаршилаб, кўлидан нарсасини олиб, меҳрибончилик қилдингми?

Тафаккур қил, қизим, оилада эр-хотин бир-бирини қўллаб-қувватлаб, асраб-авайлаши лозим. Шундан ҳаёт гўзал ва фаровон бўлади.

Нолима, қизим! Ўткинчи дунёга берилиб, бахт уйингни вайрон қилма! Сабр ва шукрда бўлишинг сени бахт манзилларига етаклайди. Зеро, Аллоҳ таоло: «**Ва Раббингизнинг: “Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб эълон қилганини ҳам эсланг**» (Иброҳим сураси, 7-оят), деб марҳамат қилади.

Азизам, оила – муқаддас. Уни асраб-авайлаш ўзингнинг кўлингга. Лекин ҳар нарсада меъёр бўлгани маъқул. Ҳаёт синовларида тобланиб, сабр-қаноат билан бахтга эришилади.

Хосият ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Косонсой тумани, “Ровот” маҳалласи отиноийиси



ҚАРҒИШ УРИШИ РОСТМИ?

САВОЛ: Фарз намоздан кейин тасбеҳ айтардим. Бундай қилманг дейишди. У ҳолда қайси вақтда тасбеҳ айтган маъқул?

ЖАВОБ: Намоздан кейин тасбеҳларни маълум ададда айтиш суннат амал ҳисобланади. Тасбеҳлар беш вақт намознинг фарз ва суннатлари ўқиб бўлинганидан сўнг айтилади.

Намоздан сўнг тасбеҳ айтишнинг савоби улғудир. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким ҳар намоз сўнгида 33 марта “Субҳаналлоҳ”, 33 марта “Алҳамдулиллаҳ”, 33 марта “Аллоҳу акбар” деб, юзинчисини “Лā илāҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лā шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ѓалā кулли шай’ин қодийр” деса, гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам кечиради»,* дедилар (Имом Муслим ривояти).

САВОЛ: Айрим аёллар намозларини анча кечиктириб ўқийдилар. Уларнинг шу ишлари тўғрими?

ЖАВОБ: Аллоҳ таоло Куръони каримда: *«Намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир»* (Нисо сураси, 103-оят), деб марҳамат қилган.

Намоз вақти кирганидан кейин уни адо қилиш эркак ва аёлга бирдек фарздир. Масалан, пешин намозининг вақти кирса, шу вақтда эркаклар ҳам, аёллар ҳам пешин намозини ўқийдилар. Аёллар вақти кириши билан намозни ўқишлари керак. Бирор узрли сабабсиз намозни кечиктириб ўқиш макруҳдир.

САВОЛ: Гуруҳлар ёки каналларда ҳар хил видеолар, ҳазил-мутойибалар келиб қолади. Биз у видеоларни очиб томоша қилсак, бу вақт исрофига кириб қолмай-дими?

ЖАВОБ: Шариатга зид бўлмаган видеотасвирларни кўриш мубоҳ – мумкин бўлган ишлар сирасига киради. Лекин кўп вақтни беҳуда видеолар томошасига сарфлаш вақтни, умрни исроф қилишдир. Мубоҳ ишда меъёрдан ошмаслик, ижтимоий тармоқлардан эҳтиёж миқдоридан фойдаланиш, вақтни фойдали ишларга сарфлаш лозим.

САВОЛ: Фарз намознинг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасидан сўнг замсура ўқиса, саждаи саҳв қилинадими?

ЖАВОБ: Фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш – суннат амал. Кимдир Фотиҳадан кейин замсура ўқиб қўйса, бу билан саждаи саҳв вожиб бўлмайди.

Бу борада “Фатавои ҳиндия”да бундай дейилади: “Фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа ҳамда замсура ўқиган бўлса, саждаи саҳв лозим бўлмайди”.

САВОЛ: Қизи Куръонни тугатиб, ота-онасига бағишласа бўладими? Агар ота-она тирик бўлса-чи?

ЖАВОБ: Албатта, бўлади. Бу борада мўътабар фикҳий манбаларимиздан бири “Бадоеъус саноеъ” китобида бундай дейилади: “Ким рўза тутса ёки садақа берса ё (нафл) намоз ўқиса ва савобини вафот этган ёхуд тирик инсонга бағишласа, бу жоиздир ва савоби, аҳли сунна вал жамоага кўра, уларга етиб боради”.



САВОЛ: Хоразм вилоятида тўйдан олдин қиз томонга қалин пули берилади. Шу маҳр ўрнига ўтадимми?

ЖАВОБ: Агар Хоразм ҳудудида маҳр пулини “қалин пули” деб номлаш одат бўлган бўлса, яъни маҳрнинг номи “қалин пули”га айланиб кетган бўлса ва у келиннинг ўзига шахсий мулк қилиб берилса, унда маҳр деб ҳисобланади. Маҳрни аёлнинг розилигисиз ҳеч ким тасарруф қилиши мумкин эмас.

САВОЛ: Ёшим 18 да. Рамазон ойида намоз ўқишни бошладим. Кеча витр намозининг 3-рақатида Қунут дуоси эсимга келмай қолди. Шу ҳолатда “Роббана атина...” дуосини ўқиб, намозимни давом эттирдим. Шу намозим дуруст бўлди?

ЖАВОБ: Намозингиз дуруст бўлган. Лекин Қунут дуосини яхшилаб ёд олишингиз керак.

САВОЛ: Одамлар орасида “Қарғиш уради”, деган гап бор. Динимизда бу ҳақда нима дейилган? Яъни бир одам бошқа кишини қарғаса, қарғиши тегадими?

ЖАВОБ: Қарғиш – ёмон нарсаси. Бир инсон бошқа кишининг ҳаққига ёмон дуо қилиши қарғишдир. Агар бирор киши мазлум ҳолатда баддуо қилса, дуоси ижобат бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз розийаллоҳу анҳуни Яманга юбора туриб бундай деганлар: *“Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳ таолонинг ўртасида парда-тўсиқ йўқдир”* (Муттафақун алайҳ).

САВОЛ: Бизда асалари боқилади. Асаларига зарар келтирадиган майда жонзотлар борки, уларни дори ёки махсус воситалар билан йўқотиб бўлмаяпти. Биз зараркунандалар йўқолиши учун асалари қутиларини оловда куйдирамиз. Шу ишимиз жоизми?

ЖАВОБ: Озор берувчи жонзотларни оловда ёқиш, куйдириш жоиз эмас, макруҳдир. Аммо бундан бошқа усуллар кор қилмаса, куйдириш билан уларни бартараф

қилиш жоиз бўлади. “Дуррул мухтор”да куйидагича келтирилган: “...Лекин жонзотларни ёқиш ва куйдириш жоизлиги “Шарҳус сийр”да келганидек, бошқа имкон топа олмаган ҳолатларга тегишлидир. Агар бошқа усул билан бартараф қилиш имкони бўлса, куйдириш жоиз эмас”.

САВОЛ: 1) Куёш чиқаётганида намоз ўқиб бўлмайди. Шу вақт қанча давом этади?

2) Баъзида куёш чиқишига 10-15 дақиқа қолганида тураман ва намознинг фарзини ўқиб бўлиб соатга қарасам, куёш чиқишига 3-4 дақиқа қолган бўлади. Шу ҳолатда ўқилган намознинг ҳукми қандай?



ЖАВОБ: 1) Куёшнинг гардиши кўринишидан бошлаб 15 дақиқа ўтганигача намоз ўқиб бўлмайди.

2) Намозингиз дуруст бўлади.

Мусулмон киши бир намозни кечиктириб, иккинчисига яқин вақтда ўқишдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки бундай қилиш бора-бора гуноҳи кабирага айланиб қолади. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сабабсиз икки намознинг вақтини жамлаб ўқиган киши гуноҳи кабиранинг эшигига келибди”*, дедилар (Имом Ҳоким ривояти).

Ким бу ишни узрсиз кўп такрорласа, Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлади. Куръони каримда: *«Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар намозларини “унутиб” кўядилар»* (Моъун сураси, 5-оят), деб огоҳлантирилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. (78) 150-33-44

Асосийси – илмга муҳаббат уйғотиш...

Швециянинг Стокгольм шаҳрида истиқомат қилаётган, ўзбек оиласида камол топаётган ватандошимиз Нафисахон Маҳмудова, ёш бўлишига қарамай, Қуръони каримни мунтазам тиловат қилади. У ҳозир 6 тилда гаплаша олади.

Нафисахон “Болаликда ўйнаб ол. Кейин вақтинг бўлмайди”, деган фикр-ўйдан йироқ. Шиори: “Ёшликда олинган илм – тошга ўйилган нақш. Катта бўлиб, оила қурганингда фарзандларингга берадиган билим ва кўникмаларингни ҳозирдан шаклантир. Фарзандга ота-она билим бермаса, ким беради?! Ота-она намоз ўқимаса, бола қайдан ўқийди?! Ота-она Қуръон ўқимаса, фарзанддан нимани кутиш мумкин?! Келажакка бугундан тайёрлан”.

Ота-онасининг таълими

ва ўғити сабаб Нафисахон бир неча тилларни ўрганган. “Кичик ёшимдан тил ўргатиб катта қилишди. Тил ўрганмоқчи бўлганлар ота-онамдан маслаҳат олишсин”, дейди.

Юқоридаги тавсифлардан кейин орамизда Нафисахонга меҳри тушмаган киши топилмаса керак. 15 ёшли қизини нафақат тенгқурлари, балки катталарга ҳам ўрناق қила олган асл қаҳрамон – онаси Жамила Маҳмудова қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Турмуш ўртоғим билан фарзандларимиз дунёга келмасидан бурун зикрда бўлдик. Гуноҳ қилмасликка уриндик. Хўжайиним тез-тез огоҳликка ундаб: “Ёлғон гапириб, ғийбат қилиб қўймайлик. Орамизда нохуш суҳбатлар бўлмасин. Бола эшитади”, дерди. Ак-

сар вақтимни Қуръони карим тиловати билан ўтказардим. Вужудимдаги гўдак ҳам уни тинглаётгани кўнглимдан ўтарди...

Фарзандим дунёга келганидан сўнг эса, уни асло дуо қилмасдан, Басмалани айтмасдан эмизмас эдим. Шошган вақтимда ҳам бироз тинчланиб олиб: “Қорнингиз очдими, сизни куттирдимми?” дея ўзимни катта одам билан гаплашаётгандай тутардим.

Болалар таълимнинг дастлабки босқичини, асосан, мендан олишди: Қуръон ўқиш, тил ўрганиш каби. Дадаларига имтиҳон топшириб туришарди. Яхши ўқиганларини рағбатлантирардик. Дейлик, болада илмга муҳаббат сусайиб қолса, ёд ололмаётган бўлса, шу вақтда бироз дам берардик. Ўзимиз эса: “Фарзандимизни илмга муҳаббатли қилгин”, деб Аллоҳдан астойдил сўрардик. “Бирор гуноҳ қилдикмикин?!” деб қайғурардик. Кейин боланинг ўзига ҳам: “Илм сўраб дуо қилиб кўринг-чи”, дер эдик. Олимлар ҳаётидан иқтибослар келтирардик. Болага сездирмаган ҳолда уни илмга жалб этардик.

Фарзандларни чўққи-га олиб чиқиш қийин. Лекин йўналиш берсангиз, бу



ишни ўзлари уддалайди. Дейлик, илмга муҳаббатини орттириб, бошланғич таълимни берасиз. Уёғига ўқишни ўзлари давом эттиради. Қайсидир даражада хатоларини тушунишларини истадик. Лекин ҳаммасининг ҳам уддасидан чиқолмадик. Бошланғич таълим берилганидан кейин қолганига ўзлари интилишди. Илгарилари: “Дарс вақти бўлди” десак, ҳозир: “Ойижон, дарсимни топшириб олай, қабул қилиб олинг”, деб ўзларидан эшитамиз. Авваллари рағбатлантирган бўлсак, эндиликда бизни хурсанд қилишади.

Турмуш ўртоғимни ҳар доим оила раҳбари сифатида кўришни истаيمان. Дадамиз ҳал қилувчи сўнги сўзни айтади. Шунга ҳаракат қиламиз ҳар доим, алҳамдулиллаҳ.

Болалар отани раҳбар ўрнида кўриши учун она ҳам астойдил ҳаракат қилиши керак. Отани ўзгалар олдида обрўсизлантирмаслик, ҳурматини сақлаш лозим. Нафақат фарзандларга, балки бошқа бировга ҳам отадан шикоят қилмаслик керак. Болалар, айниқса, онадан ота ҳақида шикоят гапларни эшитмаслиги лозим. Шунда отанинг сўзи сўз бўлади. Бу услуб боланинг тарбиясини анча енгиллаштиради. Тарбиянинг шу жиҳатига катта эътибор бераман. Отаси ҳам ўз ўрнида болаларим мени ҳурмат қилишини та-

лаб этади. Масалан, устимдан шикоят қилишларига йўл қўймайди. Оиламизда кимгадир озгина ҳурматсизлик қилинса, бу ҳолат қаттиқ муҳокама этилади.

Баъзи оилаларда фарзандлар ойнаи жаҳон олдида, она ошхонада – ошовқат билан банд бўлади. Бундай ҳолат бизнинг оилада меъёр ҳисобланмайди. Болалар ҳам, уйда бўлса, отаси ҳам ёрдамлашишади. Шундай бўлганда, болаларда итоат чиройли шаклланади. Болалар ота-онанинг ўзаро муҳаббатини кўриши керак. Ана шу болани хотиржам, бахтни ҳис қилиб ўсишига ёрдам беради. Хотиржам қалбга илмнинг кириши осон бўлади.

Киши камбағал бўлиши мумкин, лекин маънавий қашшоқ бўлмасин. Маънавий қашшоқлик болаларнинг интилишларини тўсиб қўяди. Фарзандларимиз ўқув-курсларига бормоқчи бўлишса, қайси устоз, қайси йўналишни танлаганига эътибор қаратамиз. Ўқув-курсларининг бола дунёқараши шаклланиши, фикрлари ўсиши, имон-эътиқоди мустаҳкам бўлишида ҳам, илмга муҳаббат қўйишида ҳам катта фойдаси бор.

Авваллари болаларнинг режа асосида иш қилишлари назоратимда бўларди. Мактаб кунлари ярим соат, дам олиш кунлари икки соат дарс тайёрлатардим. Буларнинг бари бола муайян поғонага чиқиб олгу-

ничадир. Кейин унинг ўзи шунга одатланади. Масалан, қизим мактаб кунлари 2–3 соатдан, дам олиш кунлари кун бўйи дарс тайёрлашга интилади. Энди мен режа тузиб беришим шарт эмас.

Аслида боланинг ҳар куни қанча ўқиганига эмас, балки илмга рағбати ортаётганига эътибор бериш керак. Бола илмга муҳаббатни туйсин. Агар мақсад натижа бўлса, асабийлашасиз, болани ҳам, ўзингизни ҳам қийнайсиз. Асосийси, унинг қалбида илмга муҳаббат уйғотиш керак. Шунда мажбуран ўқитилаётган болалардан ўзиб кетади.

Агар унинг ўқишга иштиёқи сусайганини кўрсам: “Овозингизни соғиндим-эй. Барибир сизнинг ўқишингиз бошқача-да, менга ёқади” қабилда мақтовлар айтаман. Ёки Нафисанинг ўзига эшиттириб отасига: “Эшитяпсизми, Нафиса ўқияпти. Берилиб ўқийди-я”, дейман.

Ҳозир унда илмга иштиёқ кучли. Ўзи режа тузади, ўзи ўқийди. Биздан маслаҳат сўрайди, холос. Отаси қандай китоб ўқиши, қайси устоздан таълим олишини айтиб туради. Ўрнида рағбатлантириб, ўрнида йўл-йўриқ кўрсатади.

Аллоҳ ҳаммамизга фарзандларимизнинг камолини кўришни насиб этсин.

Юлдуз АСҚАР
қизи ёзиб олди.

Секталар издошларини алдайдилар

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Исломдан бошқа динни талаб этган одамдан қилган амаллари қабул қилинмайди ва у охиратда зиёнкорлардан бўлади”** (Оли Имрон сураси, 85-оят), деб огоҳлантирган.

Бугун секталар алдовига учраб, ҳақ динини ботилга алмаштирган юртдошларимиз, афсуски, кўпаймоқда. Улар бу ишнинг оқибати ҳақида ўйлаб кўрмаптилар. Мусулмон ҳолда вафот этмай, у дунёга кофир ҳолда кетиш бахтсизликдир.

Хўш, ўзи секта нима?

“Секта” – лотинча сўз, ўзбекчада “мактаб” деган маънони англатади. Ушбу атаманинг моҳияти ўзгариб, диннинг номидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчилар “секталар” деб атала бошланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирда дунёда секталар сони тахминан 5000 тачадир.

Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсонлар онгини эгаллаш учун кураши кучайганини кўрсатмоқда. Секталар, асосан, ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бундай секталарга асос солганлар ўз издошларини алдаш йўли билан доимо уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринади.

Масалан, Угандадаги “Охират куни” сектаси охиратни 1999 йилнинг 31 декабри-

га “белгилаган”. Ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақиради. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга “кўчирилиши” секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келди. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўзларининг тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, ёпиб, бинога ўт кўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман, бу сектанинг қурбонлари 1000 дан ортиқ бўлгани айтилади.

Аксарият мусулмонлар “секта” деганда ўрта асрларда юзага келган “Ассасинлар” ёки “Аум Синрике” каби янги пайдо бўлган сохта диний фирқаларни тушунадилар. Бундай адашган гуруҳлар асрлар давомида бўлиб келган. XX асрга келиб улар сони, турлари чунонам кўпайдики, бу ҳол ўтмишга нисбатан хавотирли кўриниш олди.

Секталарнинг барчасига хос бўлган хусусият – эътиқод ва ибодат масалаларида дастлабки динга ёки ўзларини қарши қўяётган дин билан ихтилофда бўлишдир. Айнан мана шу хусусият уни сектага айлантиради. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир секта ўзини “ягона тўғри йўл” деб таърифлайди.



Психологларнинг айтишича, инсонда учта табиий эҳтиёж бор. Секталар ана шу эҳтиёжларни қондиришга чорлаш орқали тузоқ кўядилар. Улар: бирон нарса билан умумийликда бўлиш; мунтазамлик хусусиятига эга бўлиш; атрофдаги инсонлар ўртасида алоҳида эътиборда бўлиш.

Америкалик психолог Сухдео ушбу масалада бундай дейди: “Замонавий жамиятда зиддиятлар шу қадар кўп ва улардан бирортасини танлаш шунчалик қийинлашиб кетганки, ҳатто инсонлар ўзларича эркин қарор қабул қилишга ҳам ожиз бўлиб қолганлар. Улар ўзлари учун бировлар қарор қабул қилишини, ўзлари бошқаларнинг кўрсатмалари асосида оддийгина яшашни хоҳлаб қоладилар”. Айнан секталар ана шундан устомонлик билан фойдаланадилар. Улар кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзлари тўқиган қатъий қоидалар доирасига солдилар. Қаттиқ интизом талаб қиладилар, бу борада шу қадар чуқурлашиб кетилдики, ҳатто оғир меҳнат, калтаклаш ва қамаб қўйиш каби жазолар берилади. Баъзи секталар раҳбарлари байъат ва қасамдан унумли фойдаланади ва бу ҳақдаги диний тушунчаларни ўзи хоҳлагандай таъвил қилади.

Секта борки, у ҳамиша ғараз мақсадларни амалга ошириш йўлида ҳеч қандай қабоҳатдан тап тортмайди. Бу аччиқ ҳақиқатларни билатуриб, тўғри йўлдан адашган, ёлғоннинг қурбонига айланган инсонлар одам савдосига аралашиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳамиша огоҳ бўлиш, секталарга қарши курашиш, ёшларни бундан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Манбалар асосида
Зухраҳон ҲАМДАМОВА
тайёрлади.

Яшамоқ завқи ширин

*Кел, қизим, қулоқ тутгин, онанг айтган сўзларга,
Одобли, ҳаёли бўл, қувонч бўлгин кўзларга.*

*Қўлга кирит иффату ҳаёнинг нарғизини,
Чин муслима ҳолингда ёшинг етсин юзларга.*

*Ҳар сўзингни одобу ҳилм ила сўзлагин.
Ет қаноат гавҳари бўладиган кезларга.*

*Сабр гултожин тақиб, савоб жавҳарин изла,
Қалби кенглик ярашгай сендайгина қизларга.*

*Ўз қадрингни эл-улус қадр-қиммати деб бил,
Виқор соҳиби бўлсанг, эришгайсан зафарга.*

*Маърифатли кўнгил бўл саодат нури ичра,
Тилларингни ўргатгил “сен”ларгамас, “сиз”ларга.*

*Қизларнинг орқасидан яхши гаплар эшитсак,
Яшамоқ шавқи ширин ота-онанг – бизларга.*

Нечун яшаяпсан?

- Энг роҳатли вақтинг қайси, айт?
- Қуръонни тажвид-ла ўқиганим пайт.
- Қайси маҳал кўпроқ айтгум шукрона?
- Ҳаёлим Қуръонга бўлса парвона.
- Қайси вақтда кўнглинг кўтаролмас мунг?
- Жаҳаннамдан кўрқиб бўлганда маҳзун.
- Қайси вақтда кўнглинг топгай ҳаловат?
- Ҳақ жамолин истаб ўқисам оят...
- Қайси вақт яшадинг гуноҳ сўз демай?
- Аллоҳ ҳаром қилган нарсани емай...
- Қачон халос бўлдинг ҳою ҳавасдан?
- Мол-дунё ўткинчи... деган нафасдан.
- Нечун яшаяпсан бу ҳолни сайлаб?
- Орифлар кўнглига саёҳат айлаб.
- Нечун қўлда Қуръон кечаю кундуз?
- Яратганга бурмоқ учун ёруғ юз.

Малика ҚОБУЛОВА, Бахмал тумани



Аёллар аслида табиатан нозик, эркакларга нисбатан қувватлари кам бўлгани боис оғир меҳнатга жалб қилинмайди. Лекин бу дегани аёлларни жисмоний ҳаракатдан чеклаб қўйиш керак, дегани эмас. Улар тоқатларига яраша, кучлари етадиган юмушларни бажаришлари, ўз уйларида ёки номаҳрам эркаклардан холи жойда жисмоний машқлар билан бемалол шуғулланишлари мумкин.

Аёлларнинг жисмонан соғлом бўлишлари учун ўзларига муносиб, маълум бир жисмоний меҳнатлар ёки машқларни бажаришларидан қайтарилмаган. Аксинча, доимо кишининг жисмоний ва руҳий саломатлигига манфаат берадиган амалларга тарғиб қилинган. Бу борада оналаримиз яққол мисолдирлар.

Ойша розийаллоҳу анҳо аёлларнинг ишсиз қолишига қарши эди. У аёлларни доимо фойдали меҳнатга чорларди.

Кўриниб турибдики, аёл киши уйда оддий меҳнат билан шуғулланиб, ўзининг жисмоний-руҳий камолотига сабаб бўладиган, кўпчиликка манфаати етадиган меҳнат билан шуғулланиб, Аллоҳ йўлида

жиҳод қилишдан-да кўпроқ ажру савобга эга бўлиши мумкин экан.

Ҳазрати Ойша розийаллоҳу анҳо бир куни бир аёлнинг қўлида урчуқнинг қадоғини кўриб қолиб: *“Сенга Аллоҳ тайёрлаб қўйган нарсаларнинг башоратини берман. Эй аёллар жамоаси! Аллоҳ сизлар учун тайёрлаб қўйган нарсаларнинг баъзисини кўргангизда, эртаю кеч тиним билмас эдингиз. Қай бир аёл ўзи, эри ва болалари учун урчуқ йигирса, албатта, Аллоҳ азза ва жалла унга жаннатдан мағриб ва машриқдан кенгроқ уй беради.*

Эй аёллар жамоаси! Эрларингизга ито-

Она соғлом – жамият соғлом

ат қилгангиз, болаларингизга хизмат қилгангиз (яхши тарбия бергангиз) учун сизларга Аллоҳ таолонинг хузурида-

ги нарсаларнинг башоратини қабул қилинг! Сизлар бу дунёда мискин бўлсангиз ҳам, у дунёда анбиёларнинг хотинлари билан бирга жаннатга биринчи кирганлардан бўласиз. Аллоҳ таоло сизларнинг кабирадан бошқа гуноҳларингизни мағфират қилади”, дедилар (Абдураҳмон Раъфат Пошо, “Расулulloҳ атрофидаги саҳобия аёллар”).

Ойша розийаллоҳу анҳо аёллар уй ишлари билан машғул бўлиб, шунингдек, оналар эрлари ва фарзандлари учун қилган меҳнатларининг мукофотини санаб, уларни янада кўпроқ меҳнатга тарғиб қиляптилар.

Ўрни келганда, аёл киши янада тетикроқ, жисмонан соғлом бўлиши ва ўзидан чарчоқни кетказиб, кайфияти кўтарилиши учун баъзи жисмоний машқларни бажариши фойдалидир. Ҳатто бу борада оилавий ўйинлар ташкил қилиш ҳам мумкин.

Динимиз бундай ишларни қўллаб-қувватлайди.

Бобоҳон БОБОҲОНОВ,
Самарқанд шаҳридаги “Хўжа Нисбатдор”
жоме масжиди имом-хатиби





U zotning so'zlarini

yaxshi ko'raman...

Sufyon ibn Uyayna saodat asrida yashamagan bo'lsa-da, lekin Payg'ambarimiz alayhissalomning hamrohlari to'g'risida ko'p tingladi. Nabiy alayhissalomning katta-kichiklarga nisbatan muomalalarini eshitib tarbiya topdi. U zotga astoydil mehr qo'ydi, hadislarini yod oldi va ularga og'ishmay amal qildi.

Ko'falik bolakay oilasi bilan o'z yurtidan Makkaga safar qildi. Karvon Harami sharifga kelgach, odamlar: "Yuklarga kim qarab turadi?" deyishdi. O'zlari esa Ka'bani tavof qilib, namoz o'qimoqchi bo'lishdi. Qaytib kelgunimizcha tuya va yuklar oldida o'tirib turadi deb, kichik Sufyonni tanlashdi. Bolakay yuklarni kuzatib, xayolga cho'mgan bir paytda Hijoz ulamolari-dan bo'lgan katta shayxni ko'rib qoldi. Tolibi ilmlar ayrim narsalar haqida so'rash maqsadida uning atrofini o'rab olishgandi. Kichik Sufyon u zotni hadis olimi deb taxmin qildi. Shayx namoz o'qish uchun Haramga kirmoqchi bo'ldi. Lekin eshagini nima qiladi? Chiqqunicha unga kim qarab turadi? Shu payt yuklari yonida o'tirgan yosh bolaga ko'zi tushdi va unga: "Namoz o'qib olgunimcha eshagimni ushlab turgin", dedi. Sufyon bir shart bilan rozi bo'ldi. Shayxga: "Toki menga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislaridan aytib bermaguningizcha eshakni ushlab turmayman", dedi.

Qarang, bola Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni va u zotning so'zlarini qanchalik yaxshi ko'radi! Shayx: "Senga hadis nima foyda beradi?" dedi. Bola javob qildi: "Allohga qasam, hadis aytib bermaguningizcha eshak-

ni ushlab turmayman". Shayx ayrimlari qiyin bo'lgan sakkizta hadis aytib berdi va namozga kirib ketdi. Chiqqach, boladan: "Ey o'g'ilcham, meni namozdan kechiktirishingga sabab bo'lgan hadislar senga nima foyda berdi?" deb so'radi. Sufyon sakkizta hadisning bir harfini ham qoldirmasdan to'g'ri aytib berdi. Shayx bolaning zehni va fahmidan lol qoldi. Chunki uning yonida yozish uchun qog'oz-qalami yo'q edi. Shayx sevinib ketdi va: "Ey bolakay, sening joying masjid ostonasida emas, balki ilm halqasidadir", dedi.

Shunday qilib, Sufyon Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislarini o'rganishga kirishdi. Sufyon ibn Uyayna ismli solih olimga aylandi. Odamlarga o'rganishlari uchun Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislarini rivoyat qilib beradigan buyuk shayx bo'lib yetishdi. Yigirma uch yoshidayoq Harami sharifning muhaddisi edi. Sufyon ibn Uyayna faqih olim bo'lganidan so'ng ham bolalarni e'tiborsiz qoldirmadi.

Kunlarning birida yosh bola masjidga kirib keldi. O'tirganlar unga pisandsiz qarashdi. Sufyon: "Sizlar ham oldin xuddi shunday edingiz. So'ng Alloh sizlarga saxovat ko'rsatdi. Endi nima uchun unga bepisand boqyapsiz? Nima, sizlar kichik bo'lmaganmisiz?" dedi. So'ngra yana aytdi: «Ey Nazr, meni kichikligimda ko'rganingda edi... Yoshim o'nda, bo'yim besh qarich, yuzim xuddi dinordek, o'zim xuddi alanga kabi edim. Ko'ylagim kichkina, yengim kalta, etagim sonimgacha, oyoq kiyimim xuddi sichqonning quloqlaridek kelardi. Zuhriy, Amr ibn Dinor kabi ulamolar orasida o'tirdim. Siyohdonim yong'oqcha, ko'zim qisq va qalamim xuddi bodomdek bo'lsa-da, masjidga kirsam: "Kichik shayxga yo'l bering", deyishardi». Sufyon jilmaydi, Ahmad ibn Nazr Hiloliy esa, kulimsirib qo'ydi.

*"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?"
kitobidan Yulduz KOMILOVA tarjimasi*

Ғам-андуҳни кетказишнинг йигирма етти йўли

Яқинда араб олими Отиф ибн Солиҳ Авфий тўплаб, нашрга тайёрлаган **“Ғам-андуҳни кетказишнинг йигирма етти йўли”** номли китобни мутолаа қилдим. Унда аёл-қизларимиз учун жуда зарур бўлган маълумотлар бор экан. Устозлар билан маслаҳатлашган ҳолда мазкур китоб ўзбек тилига ўгирилди. **“Ҳар ҳолатда яхшидир”** номли янги рукн остида ўша асар таржимасини бериб борамиз.

Суҳайб розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Мўминнинг ҳолати ажойиб, унинг ҳамма ҳолати яхшидир. Бу ҳолат мўминдан бошқада йўқ. Унга хурсандлик етса, шукр қилади, унга яхши бўлади. Мусибат етса, сабр қилади. Бу ҳам унга яхши бўлади”**» (Имом Муслим ривояти).

Яхшилик ё мусибат етганида сабр, шукр қилиш мўминга хос иш. Мунофиқда бу хислат йўқ. Мунофиқ дунёда ҳам, охиратда ҳам азобланади. Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **“Уларнинг моллари ва болалари сени ажаблантирмасин. Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни ҳаёти дунёда азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини хоҳлайди, холос”** (Тавба сураси, 55-оят).

Қуръони карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида мўминга ғам-андуҳ етишидан олдин Аллоҳ улардан паноҳ беришини сўраш, етганидан сўнг улардан қутулиш йўллари баён этилган.

Азиз ўқувчи, сизга у йўллари баён қилишдан олдин озгина насиҳатимиз бор.

Ҳадисда бундай келади: **“Сенга теккан нарса сенга тегмай қолмас эди. Сенга тегмаган нарса эса, сенга тегиб қолмас эди...”** (Имом Абу Довуд ривояти). Бунга ишониш Аллоҳ таолонинг қазои қадарига ишониш демакдир.

Имом Абу Довуднинг “Сунан”ида Ибн Дайлабий раҳимаҳуллоҳу ривоят қилади: «Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳунинг олдига бордим ва унга: “Кўнглимга қадар ҳақида бир ўй келди. Менга бирор нарса айтингки, Аллоҳ азза ва жалла дилимдаги ўйни кетказсин?!” дедим. У зот розийаллоҳу анҳу: “Агар Аллоҳ осмонлар ва ер аҳлини азобласа ҳам, уларга зулм қилган бўлмайди. Агар уларга раҳм қилса, Унинг раҳмати уларга амалларидан кўра яхши бўлади. Гарчи сен Аллоҳ таоло розилиги учун Уҳуд тоғига тенг тиллачалик садақа қилсанг ҳам, қадарга иймон келтирмагунингча, Аллоҳ таоло садақангни қабул қилмайди. Билгинки, **Сенга теккан нарса сенга тегмай қолмас эди. Сенга тегмаган нарса эса, сенга тегиб қолмас эди...** Агар шунга ишонмай оламдан ўтсанг, албатта, дўзахга кирасан”, деди. Ибн Дайлабий айтади: “Кейин Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ёнига бордим. У ҳам худди ана шу жавобни берди”. Кейин Ҳузайфа ибн Ямоннинг олдига бордим, у ҳам у айтганини айтди. Кейин Зайд ибн Собитнинг ёнига бордим. У менга Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан худди ана шу ҳадисни айтиб берди».

Бошингизга сиз истамаган нарса тушса, Аллоҳ таоло менга яхшиликни хоҳлади, деб билинг. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: **“Аллоҳ таоло кимга ях-**



шилиқни истаса, уни (мусибатларга) мубтало қилади” (Имом Бухорий ривояти).

Эътиқодингизни яхшиланг. Абу Хурайра розийаллоху анху ривоят қилган кудсий ҳадисда: **“Аллоҳ азза ва жалла айтади: “Мендан бандам нима умид қилса, бераман. Агар Мендан яхшилиқни умид қилса, унга яхшилиқ етади. Агар Мендан ёмонлиқни умид қилса, унга ёмонлиқ етади”**, дейилган (Имом Аҳмад ривояти).

Оқил одам ҳамма вақт тавба қилади. Нафсини жиловлайди. Чунки нафс ҳамма ёмонлиқларнинг манбаидир.

Аллоҳ таоло бандаларни гуноҳлардан поклаш ва даражаларини кўтариш учун уларга турли синовлар беради. Набий алайҳиссалом: **“Мусулмонга етган чарчоқ, касаллик, ташвиш, хафалиқ, озорланиш, ҳатто ғам билан ҳам унинг гуноҳларини Аллоҳ таоло каффорат қилади”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Жобир розийаллоху анху ривоят қилади. Расулulloҳ алайҳиссалом айтадилар: **“Офият аҳли қиёмат кунни бало аҳлига (дунё ҳаётида қилган сабрлари учун) берилган савобларни кўриб, ўзларининг терилари дунёда қайчи билан майдалаб кесилганда эди, деб истаб қолишади”** (Имом Термизий ривояти).

Азиз қардошим, фойдали ишларга интилинг. Аллоҳ таолога таваккул қилинг, бўшашманг, кучсизланманг. Абу Хурайра розийаллоху анху ривоят қилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: **«Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшидир. Уларнинг ҳар бирида яхшилиқ бор. Ўзингга фойдали нарсага интил. Аллоҳга таваккул қил ва бўшашма. Агар сенга бирор нарса етса, ҳаргиз: “Агар бундай, бундай қилганимда эди, бундай бўлар эди”, дема. Балки: “Аллоҳнинг қадари, истагани бўлди”, деб айт. Албатта, “агар” шайтоннинг амалини очади»** (Имом Муслим ривояти).

(Давоми келгуси сонда.)

Юлдуз КОМИЛОВА таржимаси

Ирсият соҳаси Олимаси

Ирсий (генетик) касалликлар шифокори, биология фанлари мутахассиси Марям Муҳаммад Фатма Матар Япониянинг Yamaguchi университетида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Матар:

– шифокорлик фаолиятини Форс кўрфази давлатларида ўткир муаммолардан бири саналган генетик касалликларни даволашга бағишлайди;

– Альцгеймер касаллиги, аутизм ва бошқа оғир касалликлар устида муваффақиятли иш олиб борди;

– Даун синдромига қарши курашиш ассоциациясини ташкил этди;

– БААдаги қон касалликлари устида олиб борган тадқиқотини яқунлади.

Марям Матар Дубайда бош директор лавозимини эгаллаган биринчи аёлдир. Дубай вақтли матбуоти Arabian Business Марям Матарни “БААнинг энг яхши давлат хизматчиси”, “Энг нуфузли юз нафар араб аёлларидан бири”, “100 ёшгача бўлган 40 нафар энг нуфузли араблардан бири” деб номлади. “Ислом фанлари” журнали уни энг нуфузли мусулмон олималаридан бири сифатида тан олди.

2014 йилдан Матар бошланғич таълим Dubai Cares соҳасида инсон ҳуқуқлари ташкилоти раисининг ўринбосаридир.

Марям Матар асосчиси ва бош директори бўлган “БААда Даун синдромига қарши кураш” ҳамда “БААда ирсий касалликларга қарши кураш” уюшмалари 17 та давлатда ушбу касалликларга чалинган кишиларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Матар “Илм-фанда энг нуфузли аёл тадқиқотчи” деб эътироф этилди.

Марям Матарнинг изланишлари ҳар бир мусулмон аёл учун ибратли бир мактабдир.

Зебо ОМОНОВА



Ғарбга тақлид – юртга таҳдид

Қуръони каримда ўғил-қизлар бирга зикр қилинганда қиз боланинг аввал тилга олиниши динимизнинг аёлни қадрлаб, унинг ҳуқуқларига нақадар катта эътибор қаратганини кўрсатади. Бинобарин, Аллоҳ таоло бутун бошли бир сурани Нисо (Аёллар) номи билан атади.

Ушбу суранинг 7-оятисида: **«Ота-она қолдирган молу мулкдан эркакларга насиба бор. Аёлларга ҳам худди шундай насиба бор. Бу насиба оз бўлсин, кўп бўлсин, Аллоҳ таолонинг фарз қилган насибасидир»**, дейилган.

Ояти каримада эркак ҳам, аёл ҳам мерос олиши ҳақида сўз бормоқда. Динимиз белгилаб берган ҳаёт ҳақи, хуррият, эътиқод эркинлиги, фикр ва сўз хурлиги, таълим олиш, мулкчилик ва ҳоказоларда аёллар эркаклар каби ҳаққа эгадирлар. Эркак ва аёл ҳаққи ёки тенг ҳуқуқлилиқ тушунчаси динимизда қуйидагича таърифланади. Аёл кишини ўзига хос ишда қобилиятли қилган Зот Аллоҳ таолодир. Шунинг учун уларнинг аёлларга хос ишларда эркаклардан ҳуқуқи баланд бўлади. Эркакларга хос ишларда эркакларнинг ҳуқуқи аёллардан баланд бўлади. Иккисига баробар ишларда динимиз уларнинг ҳуқуқини тенг қилиб қўйган. Жумладан, Аҳзоб сурасининг 35-оятисида: **«Албатта, муслим ва мусли-**

малар, мўмин ва мўминалар, итоатли эр ва итоатли аёллар, ростгўй эр ва ростгўй аёллар, сабрли эр ва сабрли аёллар, тавозели, камтар эр ва тавозели, камтар аёллар, садақа қилувчи эр ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эр ва рўза тутувчи аёллар, авратини ҳаромдан сақловчи эр ва авратини ҳаромдан сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эр ва Аллоҳни кўп зикр қилувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни, яъни жаннатни тайёрлаб қўйгандир», деб марҳамат қилинган.

Дунёда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи декларация қабул қилинганига 50 йилдан ошди. Лекин Ислом дини ўн беш асрдан буён аёллар ҳуқуқини ўз ҳимоясига олиб келган. Аёлларнинг сиёсий майдондаги ўрнига қуйидаги ҳадиси шариф мисол: Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом Умму Ҳониъ бинти Абу Толибга: **“Сен кимни ҳимояннга олган бўлсанг, биз уни ҳимоямизга олдик. Сен кимга омонлик берсанг, биз ҳам унга омонлик бердик”**, деганлар.

Аёл киши оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топиши учун унга берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши лозим. Зеро, Ислом шариатининг қоидаларига



кўра, ҳар бир аёл-қиз худди эркаклар каби илм олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда қўлидаги мол-мулкни кўпайтириш йўлида ҳаракат қилишга, шунингдек, обрў-мартабасини ҳимоя қилишга ва бошқа инсоний ҳуқуқларга эга. Бу имкониятлар эса уларни камолотга эришишларида асосий омил вазифасини ўтайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозим, ҳозирги кунда айрим аёллар динимизга, миллийлигимизга зид хатти-ҳаракатларни содир этишмоқда. Уларга қараб миллийлигимизни йўқотмайлик, шарму ҳаё, ибфат, уят-андишаларимизни асрайлик. Ғарбга тақлид юртга таҳдид эмасми? Аслида, бутун ғарб аёлга, онага ҳурматни, эътиборни, эъзозни биз мусулмонлардан ўрганмадимиз? Улар бизга ўхшашга интилсин, биз уларга ўхшаб яшамайлик.

Сизнингча, бутун инсониятга ахлоқ-одоби, хулқ-атвори, сабр-матонати, ибфат-андишаси ила бизнинг молларимиз ўрناق бўлмаганми? Ахир, бутун дунё олимлари, тиббиёт ходимлари интернет, радио, телевидениеда тор кийимларнинг зарарлари ҳақида бонг урмоқда-ку! Бепарво бўлмайлик! Муқаддас динимиз ва жаннатмонанд юртимизда аёллар учун имкониятлар яратилган экан, бунинг қадрига етайлик. Оналаримизни ва аёлларимизни асраб-авайлайлик. Чунки улар келажак авлодларимизни дунёга келтирувчи ва тарбия қилувчилардир. Зеро, фарзандлари соғлом ва баркамол юртнинг келажаги порлоқ бўлади.

Аллоҳ таоло юртимизни тинч, халқимизни фаровон қилсин. Аёл-қизларимизни шариятимизда кўрсатилганидек эъзозлашимизда барчамизга тавфиқ берсин!

Баҳрамаддин РАЗОВ,
Нукус шаҳар бош имом-хатиби

Она дуоси

Тақводор она ўша вақтларда ўзлари яшаётган Авжин қишлоғидаги эски масжидга боришни ният қилиб тонг оттирди. Эрталаб туриб адирга чиқди. Ҳиди ниҳоятда ёқимли оқшувокдан бир боғлам терди-да, супурги ясади. Уйга келиб бир челака сув олиб, ихлос билан масжид ҳовлисига кирди. Ерга сув сепи бошлади. Бармоқлари орасидан ерга тушаётган томчилардан кўнгилга ҳузурбахш этадиган тупроқ ҳиди тараларди.

Негадир кўнгли тўлиқиб кўзлари ёшланди. Масжидни супуриб тозалади-да, Аллоҳдан солиҳ бир ўғил фарзанд тилади.

Дуолари мустажоб бўлиб, ўғил фарзанд кўрди.

Мустақиллик шарофати билан Қорашина шаҳарчасидаги катта йўл бўйидан масжид барпо этилди. Ушбу масжидга тақводор онанинг ўғли диний саводи бўлгани учун муаззин этиб тайинланди. Бу хушxabарни эшитган муштипар она масжидга келиб: “Ўғлим! Бу табаррук масжидга Аллоҳ сени етаклаб келибди. Ўғлим, она сифатида ҳаққингга бир дуо қилай. Шу масжид даргоҳида доим хизматда бўл”, деди.

Масжидда илк бора жума намози адо этилгач, муаззин: “Бир зум сабр қилинг, – деди. Ҳамма бу кишига қаради. – Ҳурматли биродарлар! Энам Аллоҳдан сўраб ихлос билан масжидни қирқ кун супурди. Бугун дуолари ижобат бўлиб, яқин кунларда ҳаж сафарига жўнайман”. Кўзларидан сизиб чиққан севинч ёшларини кўрган одам борки, бу инсонга нисбатан қалбида меҳр уйғониб, қўл кўтариб дуо қилишди.

Ўйлайманки, мўътабар она сиймоси йигит-қизларга ибрат мактабидир. Муҳтарама Машира она “Тангри ором” масжиди қурилиш ишларида фаол иштирок этди, ёшларга ибрат бўлди. Ушбу она дуоси билан шундай даражага етган ўғил эса мулла ҳожи Улаш бободир.

Файзулло ПАРДАЕВ,
Деҳқонобод тумани, Консой қишлоғи



Шин муҳаббат итоатдадир

Севгининг асосий шарти – итоат этиш. Инсон бировни бенуқсон кўргани учун севади ва, шубҳасиз, унинг итоатига киради. Ҳар бир айтганини бажо қилишга жонини гаровга қўйиб бўлса-да, жидду жаҳд этади. Кейин-чи?..

Модомики, инсон севгисиз яшай олмас экан, унда бу муқаддас туйғуни камчиликлардан холи бўлган Зотга нисор этмоқ фойдали эмасми?!

Бинобарин, гоҳо бирор одамни севсангиз, сиз ундаги фазилат деб билган нарсалар вақти келиб, кўзингизга иллат бўлиб кўрина бошлаши мумкин.

Аллоҳни севсангиз, қалбингиздаги севги ўти ҳеч қачон сўнмайди, аксинча, йилдан-йилга, кундан-кунга кучайиб бораверади ва айнан севгингиз туфайли мақомингиз юксалади.

Аллоҳни севиш эса, Унинг Ҳабибини севиш билан собит бўлади.

Аллоҳ таоло бир ояти каримада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «**Сиз: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир”,** деб айтинг. Аллоҳ **Ғафур ва Роҳиймдир»** (Оли Имрон сураси, 31-оят), дея амр қилди.

Саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини жондан ортиқ севдилар ва комил ишонч билан ортидан эргашдилар. Шундай эдики, асҳоби киром Расулulloҳга яқин бўлиш учун юрган йўлларида юрар, дам олган ерларида дам олар, у зотга кўнгил

севгисини ҳар фурсатда итоат билан изҳор этардилар.

Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан “Расулulloҳга бўлган севгингиз қандай эди?” деб сўраганларида: “*Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга отамиздан, онамиздан, болаларимиздан ва молларимиздан ҳам севимли эди. Ҳатто у бизга иссиқ кунда муздек бўлиб турган сувдан ҳам севимли эди*”, деб жавоб бердилар.

Нақадар мукамал имон, оташин муҳаббатки, томоқни қуритган, жигарни қовурган чўлнинг қайноқ қумлари ҳароратида куяр экан, икки нарсадан бирини танлашни айтсалар: куйган бағрини салқинлатадиган сувни ёки чанқоқ зўридан оғзи қақраса-да, кўнглини шод этган Пайғамбар алайҳиссаломнинг ортидан эргашмоқними? Улар иккинчи йўлни афзал билар эди.

Улар шундай севдилар. У зотнинг ишқини кўнгилларининг энг мумтоз ерларига жойладилар. Абадиятга ишондилар, ёнларида экан, қалбининг тубида у зотнинг муҳаббатини ҳис этдилар... Бир нафас ёнидан айрилганларида эса соғинч ва ҳасрат билан дучлашдилар. Илло, у зотга итоат этмоқ – Аллоҳга итоат этмоқ эди. Парвардигор ояти каримада: “**Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлур...**” (Нисо сураси, 80-оят), дея марҳамат қилиб, қалби уйғоқ инсонлар юрагига у зотнинг ишқини жойлаб қўйган эди.

Аллоҳ таоло яна бир ояти каримада: “**Батаҳқиқ, сизлар учун, Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулulloҳда гўзал ўрнаклар бор эди**” (Аҳзоб сураси, 21-оят), дея амр этди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ҳавас қиладиган бир қаҳрамони бўлади. Мўминнинг ўр-



нак оладиган ягона қахрамони эса, инсон зотининг энг шарафлиси – Пайғамбаримиз алайҳиссаломдирлар. Оятда ишорат этилгани каби **“Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар ва Аллоҳни кўп зикр қилган”**лар ўзларига кимнинг ўртак бўла олишини кўз олдига келтиради. Севмоқ – эргашмоқдир. Маъшукнинг ҳар бир амалига, отган одимига эргашмоқ... шу жиҳатдан, севги мунтазам саъй-ҳаракат ва парваришни, юксалишни талаб қилади.

“Севги фақат сўз ва туйғудан иборат бўлса эди, рўза ва намозга эҳтиёж қолмас эди”, дейди улуғларимиз. Демак, Пайғамбаримизнинг йўлларида, изларидан юрмоғимиз, амалларимизни у зотнинг суннатларига таяниб бажармоғимиз керак. У зотга эргашмаганлар эса бошқаларга эргашиб адашиб-улоқиб кетади. Бу ҳолни Умар розийаллоҳу анҳу: *“Ишонганингиз каби яшамасангиз, яшаганингиз каби ишона бошлайсиз”*, деб тушунтирган.

Севгининг мукофоти жуда буюк – абадий биргалик. Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом хузурларида Савбон розийаллоҳу анҳу Аллоҳнинг Расулига маҳзун бир қиёфада боқиб ўтирарди. Унинг ҳазинлиги Пайғамбаримизнинг эътиборларини тортди.

– Савбон! Сенга нима бўлди? – деб сўрадилар.

Ҳазрат Савбоннинг юрагини куйдираётган бир андишаси бор эди – Севгилисидан, яъни Расулуллоҳдан айро тушмоқ. Бу айрилиққа чидай олмас эди.

– Ота-онам, молу жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ! Ҳасратингиз мени ёқиб-қовурмоқдаки, сиздан айро кечирган ҳар куним менга ҳижрон азоби бўлиб кўрин-

моқда. Дунёда шундай бўлса, охиратда нима бўлади, дея дардим ортиб боряпти. У ерда сиз пайғамбарлар билан бирга бўласиз. Менинг эса ҳолим не кечиши, қаерда бўлишим маълум эмас! – деди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз Савбон билан биргаликда асҳобига ва қиёматгача келадиган умматларига мужда бердилар: **“Киши севгани билан бирга бўлади”** (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Мазкур ҳадиси шарифдан аён бўладики, ҳаётимизда кимни ёки нимани қалбимизга султон айласак, охиратда у билан бирга бўламиз. Меҳрибон Аллоҳ ва Ҳаббининг севгисини қалбимизга жойласак, Пайғамбаримиз кўрсатган йўлдан чалғимасак, қиёматда у зот билан бирга бўлиш бахтига эришажамиз. Бундан улуғ саодат борми?!

Аёл кишининг Аллоҳга ва Расулига муҳаббати ва итоати, энг аввало, эрини яхши кўриши, унга итоати, фарзандларига чиройли тарбия бериши, одоб-ахлоқни ўргатишида намоён бўлади.

Ояти каримада **“(Аёллар орасида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир”** (Нисо сураси, 34-оят), дейилган.

Мазкур ояти карима ва ҳадиси шарифдан аён бўладики, оиладаги муҳаббатнинг асоси ҳам Аллоҳга ва Расулига боғланиб кетиб, шу асосда бутун жамият ўртасида муҳаббат риштаси пайдо бўлади. Табиийки, бундай жамият аъзолари соф туйғулар ардоғида бахтиёр ҳаёт кечирадилар.

Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.



Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Бошланиши олдинги сонларда.)

Бир куни уни икки болали бева эркакка сўраб келишди. Хотини бир йил бурун вафот этган бу одамнинг болалари паришон бир ҳолда қолганди. Бувиси, яъни мархум хотиннинг онаси бу паришонликни бироз бўлса-да камайтириш учун анча уринди, лекин ўзи ҳам хасталаниб қолди. Шундан сўнг Одилбек болаларининг аҳволини бироз бўлса-да яхшилаш умидида иккинчи бор уйланишга истар-истамас рози бўлди.

Одилбек намозхон, хушфёъл, хушбичим, файзли инсон эди. У ҳақда эшитилган қисқа маълумот – шу. Фотиманинг онаси бундай турмушга рози бўлмайдиганга ўхшарди.

Икки етимга қараш осон бўптими?! Уни муаммолар камроқ, ҳар жиҳатдан тўкин оилага узатмоқчи эди. У тўғрида қизи билан маслаҳатлашди:

– У одам яхшиликка яхши эмиш, аммо икки еtimi бор, қизим, нима қиласан?

– Уларга фарзандимдай қарайман, она бўлиб тарбиялайман.

– Она бўлиб қараш осонми, қизим? Саниҳа нима қилди? Исмоил еган таёқларни кўрмаяпсанми? Бола шунча зулм кўряпти, Саниҳа шунча гуноҳ орттиряпти. Хўш, Саниҳахоним оналик қилдими, буни истадими, бунга тиришдими? Келганининг учинчи куниёқ Исмоил уйдан йиғлаб чиқмаганмиди? Қачон Исмоил Салмадай гўзал, тоза либослар кийди? Қачон Салма билан тенг кўрилди? Салмага қарашдан ортиб, бирор марта дўстлари билан ўйнадими? Аминманки, у уйда Салма Саниҳахонимнинг боласи, Исмоил эса унинг хизматкоридай кўрилади. Ҳатто хизматкорга ҳам бундай муомала қилмайдилар.

Қизим, бир нарса менга маълумки, етимнинг қаҳри қаттиқ бўлади. Қанча уринма, ўзингни уларга она сифатида тан олдиrolмайсан. Сенга бир нарса айтайми? Етим-есирсиз, қайнонасиз, боласиз оилага келин бўлишинг керак. Нега ўзингни заҳматга урасан, эл қилмаганни қиласан?

– Хўш, унда бу болалар нима бўлади, она? Биронта ўзини билмайдиган келиб ҳар хил зулмлар ўтказса, бечора болаларнинг ҳоли не кечади, уларнинг айби нима, она?

– Сенга нима, Фотима? Бировнинг боласи бўлса, ўйлаган нарсангни қара. Қанча чидайсан, бир ҳафта, бир ой сабр қилдинг, хўш, охири нима билан тугайди? Бир кун келиб бошқача ўйлаб қоласан. Пушаймон бўласан, ҳаётинг сўнгигача уларнинг дардига ўралашиб ўзингга жабр қиласан, ё Саниҳага ўхшаб, оғизларига уриб, ташқарига қувиб, ҳайдайсан. Бундан бошқа йўл борми?

– Бор, она. Уларни ўз фарзандимдай ўстириб, савоб олиш бор. Ўз боласини парвариш қилиш ҳайвоннинг ҳам қўлидан келади. Инсон бир поғона устун бўлиши керакмасми? Инсоннинг ҳайвондан устунлиги ғариб етимни боласидай бағрига боса олишида эмасми? Зулмнинг ҳар қандай тури ҳам ёмон, аммо етимга қилинган зулм золимни, яъни зулм қилгувчи инсонни ҳайвондан пастроқ тушириб қўйса керак.

Бу суҳбат Фотиманинг истаги амалга ошиши билан яқунланди. Қизини сўратган бу одамнинг ёмон одам эмаслигини билган отаси ихтиёрни Фотимага берди. Етимларни парваришlash Фотиманинг қўлидан келади. Агар Фотима хоҳлаётган инсон ахлоқий бузуқ, ичкиликбоз, қиморбоз, дин душмани бўлса, қизини унга бермаслик



отанинг бурчи. Акси бўлса, Фотимани ўз ихтиёрига қўйиш керак. Шу сабабдан совчиларга мувофиқ ва муносиб жавоб берди.

Байрамдан бир ойлар кейин Исмоилнинг аҳволини кўрганлар унинг секин-аста ўнгланиб бораётгани ҳақида хулоса чиқаришлари мумкин эди. Баъзан отаси уни бозорга олиб борар, баъзан Исмоил ўртоқлари билан ўйнади. Уйда яна уни калтаклашяптими, йўқми билиб бўлмасди. Фақат илгаригидай таёқ ейишлар ниҳоясига етган эди. Бунинг биринчилардан бўлиб Фотима англади. Аслида Фотиманинг икки еtimi бўлган кишига турмушга чиқишига сабаб ҳам Исмоил эди. Тўғрироғи, Исмоил чеккан изтиробларнинг унинг кўнглида қолдирган теран таъсири эди бу. Икки етимнинг кўнглини олиш – уларни зolim қўлига тушишдан кутқариш эди унинг нияти. Йўқса, Фотимадай ҳам руҳий, ҳам жисмоний гўзаллик соҳибаси, ишчан қизга уйланмоқчи бўлганлар кўп эди. Яна кўплаб топиларди ҳам. У уйланган одамга турмушга чиқаркан, унинг марҳум хотини хотираларига боғланиб қолиши мумкинлигини билгани ҳолда, бу гўдакларни кутқариш фикрида эди.

Модомики, бўлғуси эр мурасали инсон экан, муаммо йўқ ҳисоб. Ҳар ҳолда ўлган билан тирик бир эмас. Энди уйланган хотинини ҳам севади, ҳурматлайди. Бунинг устига, Фотима эри бўладиган одамга биринчи хотинига нисбатан ҳурматни унутишини таклиф этадиган, уни эсидан чиқармагани учун хафа бўладиган, тирғаладиган қиз эмас. Ўзи бир вақтлар кичиклигидан боқиб катта қилган мушуги йўқолганда унинг хотирасини кўнглидан чиқариб ташлаёлмаган Фотима икки боласини омонат қолдирган бир инсонни унутиб юборишни тасаввурига сиғдирилмасди. Бу тўғридан-тўғри мурувватсизлик бўларди.

Ўзининг у хонимни унуттирадиган нима бор? Балки у хотин кўп устун, савияли, фазилатли бўлгандир. Уни унутиш – у қолдирган гўдакларни ҳам ёддан чиқариш демакдир.

Ҳолбуки, Фотима бу хонадонга шу гўдакларни деб келмоқда эди, токи улар унутилмасин, изтиробда қолмасин. Фотиманинг икки еtimi бор одамга тегишга рози бўлишидан қариндош-уруғ беҳад ҳайрон бўлиб қолди. Улар болани эплаш мушкуллигидан сўзлар, ўйламасдан иш тутилаётганлигини айтиб, куйинишарди. Ёш, келишган у одамнинг қусур ва камчиликлари деярли йўқ, аксинча, у бир талай фазилатларга эга. Қариндошларнинг баъзилари дўстона ачинишиб, озорланишар, баъзилари эса қарор қабул қилган Фотимани айблашар эди. Ҳали ҳам фикридан қайтиш учун кеч эмаслигини, бу энг тўғри йўл эканини айтишарди. Онаси келганларнинг дашномларига жавобан:

– Қанча ҳаракат қилмай кор қилмади, тушунтиролмадим. Не қилай, кўлимдан нима ҳам келарди. Ана, ўзингиз чақириб гаплашинглар, – демоқдан бошқа чора тополмасди. Улар Фотиманинг ўзи билан гаплашишди:

– Фотима, сени яхши кўрганимиздан куйинамиз. Бўлмаса, бизга нима? Ке, ўзингни қийнама. Хоҳласанг, поччанг аралашади. Кеч бўлмасдан олдини олайлик.

Фотиманинг юраги сиқилди. Нега ҳар ким аралашаверади? Борадиган, яшайдиган ва бунинг кўнгли ризолиги билан истаган унинг ўзи-ку. Ҳар ҳолда ўз зарарини ўзи ҳам уларчалик ўйлар ва тушунарди.

– Хола, – деди, – мени яхши кўрганингиз учун гапиряпсиз, аммо менинг қарорим қатъий. Менинг мақсадим икки гўдакка қараш ҳамда уларни изтиробдан, машаққатдан кутқариш. Мен пушаймон қилмайман. Бунинг учун беҳуда азият чекманг.

– Ишқилиб пушаймон бўлиб қолмасанг бўлгани, Фотима!

– Парвардигорим мени уялтирмас. Ёмон иш қилмоқчи эмасман-ку!

Сўз шу ерда тўхтади.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси

Овқат қачон шифо бўлади?

Одатда, ўзбек оналари қизларига ёшлигиданоқ ошхона одобларини ўргатиб боришди. Бу анъана момоларимиздан мерос бўлиб қолмоқда.

Аёл-қизларимиз, оналаримиз ўргатганларидек, таом тайёрлашдан аввал овқатга беҳосдан соч толаси тушиб қолмаслиги учун бошларига рўмол танғиб олишлари керак. Сўнгра қўлларини ювиб, узук каби тақинчоқларни ечиб қўйишни унутмасликлари зарур. Идиш-товоқнинг озодалигига эътибор бериш, қозонга ёғ қўйишдан аввал “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни айтиш муҳим ҳисобланади.

Улуғларимиз қадимдан таом тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишган. Аввало, масалликларни имкон даражасида ўзлари етиштиришган. Сўнгра таом тайёрлаш жараёнида зикр айтиб, Қуръон оятларини ўқиб туришган. Шунингдек, ғазабланган ҳолда овқат пиширишмаган. Бугунги уй бекалари ҳам нафақат ташқи озодаликка эътибор қилиб, балки руҳий томондан ҳам яхши ўй-фикр ила, зикру шукр билан таом пиширишса, тайёрлаган овқати ҳам мазали, ҳам шифобахш бўлади...

Овқатланиб бўлгач, дастурхонни йиғиштириш, коса-товоқларни ювиш зарур. Йўқса, ҳар хил ҳашаротлар ва кўзга кўринмас микроблар тушиб, турли кўнгилсизликлар юзага келиши мумкин. Бу хусусда Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадис ворид бўлган: **“Кеч киргач, ... Аллоҳнинг номини зикр этиб, мешларингиз (оғзи)ни боғлангиз. Аллоҳнинг номини зикр этиб, идишларингиз устига бирон нарса бўлса-да, ташлаб қўйинг...”** (Муттафакун алайҳ). Кундузлари ҳам сув ёки бошқа нарса солинган идишларнинг устига “Бисмиллаҳ...” айтиб, бир чўпни бўлса ҳам, ташлаб қўйиш керак.

3. АБДУЛЛАЖОН қизи



Укропнинг фойдалари

- қон босимини меъёрга келтиради;
- ич қотишини олдини олади;
- сийдик тута олмасликка даво;
- уйқусизликка даво;
- йўтал, бронхит ва томоқ оғриғидан ҳалос этади.

Тайёрлаш ва қўллаш усули:

1 ошқошиқ укроп уруғини қайнаган сув қуйилган чойнакка солинг ва чойнакни сочичқа билан ёпиб дамлаб қўйинг. 40 дақиқа кутинг!

1 ҳафта давомида ҳар куни 7 маҳал 3 ҳўп-ламдан ичинг. 2–3 ойдан сўнг муолажани яна такрорласангиз бўлади...



Абдуқодир САТТОРОВ,
шифокор

Лимон – тозалаш воситаси

1. Човгум тагида қасмоқ йиғилиб қолса, яримта лимонни майдалаб солинг-да, устидан 1 коса сув қуйинг. Қайнаб чиққач, ярим соатдан сўнг чайиб олинг. Чўкмалар осон тозаланади.

2. Микротўлқинли печга лимон пўстини солиб, устидан озроқ сув қуйинг-да, 5 дақиқага қолдиринг. Сўнг лимонли сув ҳосил қилган намликда микротўлқинли печни осон тозалаб оласиз.

3. Лимон мевасини ишлатиб бўлгач, пўстини чиқинди идишига суртиб қўйинг. Ёқимсиз ҳид безовта қилмайди.

4. Лимонни иккига ажратиб, ичидаги мевасидан бўшатинг. Кичик ўлчамга келтирилган шамчаларни жойлаб, кечки маҳал ярим соатга ёқиб қўйсангиз, майда ҳашаротларни ҳайдаб чиқаради.

5. Лимон пўстини 2–3 кун очиқ ҳавода қолдирсангиз, қотади. Сўнг блендерда майдалаб олсангиз, пишириқларга таъм беришда фойдаланишингиз мумкин.

6. Пол артаётганда челақдаги сувга лимон пўстини солиб қўйсангиз, инфекцияларга қарши восита ва ёқимли ҳидга эга бўласиз.

Зебоҳон ПЎЛАТОВА тайёрлади.

